O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳар бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши даркор.

Ислом КАРИМОВ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 25 *МАЙ*, СЕШАНБА | № 21 (121) | Сотувда эркин нархда

Сабоқ

ОТА-ОНА «ЗЎРЛИГИ» — ТАРБИЯНИНГ КЎРЛИГИ

Ҳар томонлама етук, комил инсонларни - баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кунда жамиятимиз олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ҳозир мактаб ўриндиқларида, институтларнинг аудиторияларида ўтирган ёш авлод эртага мамлакат тараққиётининг бутун масъулиятини зиммасига оладиган, мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги эгаларидир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов таълим-тарбия масаласини давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида, маърифатпарвар боболаримиз таъкидлаганларидек, уни ё ҳаёт, ё мамот масаласи деб баҳолар экан, бутун халқ, кенг жамоатчилик диққат-эътиборини ёш авлод камолотига қаратаётир. Жумладан, юртбошимиз: «Айнан таълим иши, миллий уйғониш ғоясини амалга оширишга қодир бўлган янги авлодни тарбиялаш иши давлат иши, унинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда» деб таъкидлаган эди. Шунингдек, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида: «Ёш авлод тўғрисида, соғлом, ҳар томонлама ривожланган кишини тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш - бу бизнинг миллий хусусиятимиздир».

Миллий истиқлол мафкурасининг негизида ҳам ёш авлодни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш ётади. Мустақиллик руҳида тарбиялаш ёшларни миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий онг ва ўз-ўзини англаш, юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақозо этади. Шу боисдан ҳам миллий истиқлол мафкурасининг негизи сифатида ватанпарварлик ғояси илгари сурилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов «мустақилликни мустаҳкамлаш асосан тўртта негизга асосланади» деб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади:

- умуминсоний қадриятларга садоқат;
- халқимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ривожлантириш;
- ҳар бир инсоннинг ўз имкониятларини тўла ва эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

Шундай экан, бугунги кун ёшларида юксак ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш мамлакатимизнинг келажакда ривожланган давлатлар қаторида жаҳонга танилишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Аввало, ватанпарварликни кенг маънода тушуниш лозим, чунки у миллий маҳдудлик, тор миллий манфаатларни ифода этмайди. Ватанпарварлик туйғусини тарбиялашни умуммиллий ва байналмилалчилик манфаатлари бирлиги билан қўшиб олиб борилгандагина кутилган натижа умуминсоний моҳият касб этади.

Энг аввало халқимиз орасидаги: «Ватан остонадан бошланади», деган ҳикматли ибора Ватанни севиш ота-онани севишдан бошланади деган маънони англатишини унутмаслик лозим. Даставвал ота-онанинг болага меҳр-муҳаббати айни пайтда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат билан йўғрилган ҳолда намоён бўлиши, бусиз яшашга асло муроса қилинмаслиги лозим.

Мустақиллик шароитида оила ва оилавий тарбия масалаларига янгича ёндашиш деганда айнан шундай эзгу инсоний муносабатларни шакллантириш тушунилади. Бунда асосан оилада ўзаро ҳамжиҳатлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, эл-юртга муҳаббат, ота-онани қадрлаш, бошқаларга ҳамдардлик, ёрдам кўрсатиш, ота-боболаримизга хос меҳнатсеварликка садоқат, билим олишга интилиш, тарихга, миллий қадриятларга эҳтиром, миллий одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишни болалар онгига сингдириш ватанпарварлик туйғуларининг тез ва тўғри шаклланиши ва кучайишига олиб келади.

Оилада болаларнинг ватанпарварлик эътиқодини тарбиялашда ота-оналар улуғ аждодларимизнинг Ватанга меҳр-муҳаббатларини, унинг озодлиги йўлида қилган фидойиликларини, қаҳрамонликларини мисол тариқасида сўзлаб беришлари, шунингдек, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларидан «Ватанни севмоқ иймондандир», Абдурауф Фитратнинг «Ватан қиблагоҳдир, саждагоҳдир», Ислом Каримовнинг «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» каби пурҳикмат сўзларнинг маъноларини тушунтиришлари натижасида фарзандлар қалбида нафақат ўз юртига, балки унинг фуқаролари, давлатимиз олиб бораётган сиёсатга ҳам ҳурмат туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Оилада онанинг ўрни жуда салмоқли. Агар оила кемага ўхшатилса, она кеманинг рули дейиш мумкин. Фарзандининг ақл-заковатли бўлиб ўсиши аввало аёлга - онага боғлиқ. Шундай ҳолат кўп кузатилади: бир уйга борсанг, бола озода, тартибли, инжиқ ё қайсар эмас, у онанинг айтганини қилтаклардан қўрққани учун эмас, балки ҳурмат қилгани учун бажаради. Баъзи оилаларда аҳвол бунинг тескариси - болалар фақат отанинг зўрлиги ва тарсакисидан қўрқиб, унинг айтганларини бажарадилар. Айрим ҳолларда эса кўпгина фарзандлар ота-оналарнинг арзандасига айланиб қолмоқдалар. Масалан: ота-она мансабдор шахс, фарзанди бундан мағурланади, ўқишга, мактабга муносабати «ўзига хос» тарзда шаклланади, дискотекалар, ресторанлар «қаҳрамони»га айланади. Ана шундай бойвачча ота—оналарнинг эркатойлари қонунларни бузибгина қолмай, бошқаларга ҳам ёмон таъсир қилади.

Шунинг учун болаларга ватанпарварлик, инсонийлик каби эзгу тушунчаларни фақат тарихий фактлар, манбалар асосида эмас, балки мамлакатимизнинг бугунги куни ва истиқболи билан боғлиқ ҳолда очиб бериш, англатиш жуда муҳимдир. Жамолиддин Давоний ёзишича, болаларнинг қалби гўё нақш солинган тахтачага ўхшайди, чизги - таъсирларни осон ва тез қабул қилади. Шу боис ота-оналар болаларга юксак ибрат намунаси бўлиш учун ҳар соҳада ўрнак бўлишлари лозим.

Исмоил САИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Криминалистика уфқлари

ЗАМОНАВИЙ УСКУНА ВА УСЛУБЛАР ТЕРГОВ ВА СУД ХИЗМАТИДА

Яқинда Республика Адлия вазирлиги Х.Сулаймонова номидаги Республика илмий-тадқиқот криминалистика марказида Хьюлетт Паккард (HEWLETT PACKARD) компанияси ва унинг Ўзбекистондаги вакилхонаси NURON DC фирмаси билан биргаликда «Хьюлетт Паккард компаниясининг замонавий аналитик мосламалари ва уларни амалий масалаларни ечишда қўллаш» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ушбу семинарда HEWLETT PACKARD компаниясининг шарқий Европа ва Осиё давлатлари бўйича бошқарувчиси доктор Ханс-Питер Шифер (Австрия) ва етакчи илмий ходимлари доктор Ярослав Слободник (Словакия), Алексий Русин (Украина) ҳамда NURON DC фирмаси раҳбарияти, Республика Прокуратураси, ИИВ, ИИВ Академияси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг олий ўқув юрти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббиёт экспертизаси Бош бюроси, санитар-эпидемиологик хизмати ва дори-дармонлар сифатини назорат этиш марказий лабораторияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирок этдилар.

Анжуманда HEWLETT PACKARD компаниясининг энг сўнгги ютуқлари намойиш этилиб, уларнинг имкониятлари, бошқа аналитик асбоб-ускуналардан афзалликлари ва амалий масалаларни ечишда уларни қўллаш атрофлича муҳокама қилинди. Бунда асосий эътибор ушбу мосламалардан криминалистика ва суд экспертизаси соҳасида фойдаланишга қаратилди. Жумладан, бугунги кунда Республика эксперт муассасалари олдида турган вазифалардан келиб чиққан ҳолда суд ва тергов амалиёти учун алоҳида аҳамиятли бўлган гиёванд моддаларни текшириш, портлаш билан боғлиқ экспертизаларни ўтказиш, озиқ-овқатлар ва спиртли ичимликлар сифатини аниқлаш, дори-дармонларни тадқиқ этиш ва шу каби бошқа масалаларни юқори илмий даражада ва сифатли ечишда янги имкониятлар яратадиган техник асбоблар ва услублар намойиш этилди.

Семинарнинг иккинчи куни HEWLETT PACKARD компаниясининг мутахассислари Марказ лабораториясида турли услубларни намойиш этиб, экспертлар билан амалий машғулотлар ўтказдилар. Семинар иштирокчилари унинг ташкил этилишига ва муҳокама қилинган масалаларнинг илмий ва амалий аҳамиятига юқори баҳо бердилар.

Азиза ҚОРАБОЕВА

СУРАТДА: семинар қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Зукко газетхон нигоҳида

БИЗ КИМГА ИШОНАЙЛИК... МУХБИР АКАЛАР?

Ёки бир мавзудаги икки хил мақола хусусида

Олий Мажлиснинг Ўн тўртинчи сессиясидан бир ҳафта аввал, тўғрироғи «Халқ сўзи» газетасининг 6 апрел сонида шу газета мухбири Олимжон Усановнинг «Умид муждалари» ёки Сариосиё туман деҳқонлари пахтанинг тез пишишини, юқори ҳосил беришини ва экстремал шароитларга чидамли бўлишини таъминлайдиган ўзига хос технологияни жорий этиб, ибратли натижаларга эришмоқдалар» мавзусида мақола эълон қилинди. Унда Сариосиё тумани раҳбариятининг ишбилармонлиги роса оғиз кўпиртириб мақталган, бир-биридан аъло таърифлар ҳам жой-жойига қўйилган эди. Сессия олдидан депутат раҳбарлик қилаётган туманни кўкларга кўтариб мақташ атайлаб қаламга олингандай... Мақола махсус буюртма асосида ёзилгандай таассурот ҳам қолдиради ўқувчида. Бироқ...

Орадан бор-йўғи 17 кун ўтиб, «Ватан» газетасида жамоатчи мухбир Тожиддин Раззоқнинг «Фойда»сиз... илғорлик» сарлавҳали танқидий мақоласи эълон қилиниб, унда худди шу Сариосиё тумани ҳокими Қосимжон Холдоров раҳбарлик фаолияти танқид остига олинади.

Икки марказий газетада бир мавзунинг ҳам мақтовини, ҳам танқидини ўқиб кимга ва нимага ишонишингни билмай,қатор саволлар қуршовида қоласан экан.

О.Усановнинг «Умид муждалари» мақоласида: «... Сариосиё пахта режасини вилоятда биринчи бўлиб бажараяпти. Ҳосилдорлик ҳам чакки эмас - 33-34 центнер. Мамлакатимиз миқёсида юқори кўрсаткич...» деб мақтовларни қалаштирган бўлса, Т.Раззоқ «Фойда»сиз... илғорлик» мақоласида: «...пахтачиликда майдагина... «лекин» бор. Гап шундаки, даромад харажатни қопламаяпти. Бунинг отини «зарар» дейдилар... Масалан, Пўлат Хидиров номли хўжаликда бултур режа икки фоиз ортиғи билан бажарилди. Ҳосилдорлик ўттиз икки центнерга етди, аммо даромад харажатдан 11,6 миллион сўм кам бўлди Бозор иқтисодиёт қонунлари ишлаганда эди, бундай катта миқдордаги «зарар» масъул раҳбарларнинг ўрнини кўрсатиб қўяр эди» деб фактларга мурожаат этади.

«Умид муждалари» мақоласи муаллифи харажатларни чек системаси орқали олиб борилаётганлиги, бу эса ўз навбатида оддий ишчининг моддий манфаатдорлигини ошираётганлиги, бундан кейин меҳнатни ширкатлар доирасида ташкил этишга туман ҳокими бош-қош эканлигини алоҳида урғу билан таъкидлайди.

Т.Раззоқнинг «Фойда»-сиз... илғорлик» мақоласида эса бу ҳол бутунлай инкор қилиниб, «...ўртача ойлик 2650 сўм, аммо унинг 12,8 миллион сўми ҳам насия-қарз бўлиб, тўқсон тўққизинчи йилга ўтказилди. Лекин шундай вазиятда 4,5 миллион сўм насия меҳнати учун бериб юборилди...» дейилади.

О.Усанов мақоласидаги таърифларда туман раҳбарлари пахтазордаги «агат ичида ётиб», ғўза билан бирга илдиз отади. Гўё ҳар куни «ғўзанинг қулоғидан чўзиб ўстириш учун» деҳқон даладаги тупроқнинг ҳароратини ўлчаб бориши, ўсимлик парваришидаги ҳар бир ишга ижодкор, кашфиётчи сифатида меҳнат қилаётганлиги маржондек мақтов ипларига тизилади.

Аммо Т.Раззоқовнинг танқидий чиқишида ўтган йили пахта етиштириш илгариги даврга нисбатан 614 тоннага, дон етиштириш 1730 тоннага камайганлиги баён қилинган.

О.Усанов ўтган йили ғалладан кейинги экин - кунгабоқар данагидан мой ажратиб олиш бошлаганлигини вилоят рўзномасида ўқиб қолганлигини таъкидлайди. Айтмоқчи, бу ҳақда республика телевидениесининг «Ахборот» кўрсатувида ҳам катта «шов-шув» кўтарилиб, сурхондарёликлар йил охирида кунгабоқар мойида «чўмилиши» мумкинлиги айтиб ўтилган эди.

Надоматлар бўлсинки, Т.Раззоқнинг мақоласида шундай аччиқ ҳақиқатга кўзимиз тушди: «...Бултур 1002 гектар ерга кунгабоқар уруғи қадалди. Ҳисоб-китобларга қараганда шу бир минг икки гектар Сариосиёга бир минг икки юз тонна ёғ бериши керак эди. Аммо уйдаги маслаҳат бозорга тўғри келмади: 389 тонна кунгабоқар йиғиштириб олинди... кунгабоқарнинг ҳосилдорлиги гектар бошига тўрт центнерга ҳам етмади...»

Хуллас, икки ҳамкасбнинг бир мавзудаги чиқишларини яна истаганча таққослаб, далиллар бир-бирини инкор этишига гувоҳ бўлиш мумкин. Оғизга келган сўз арзон, овулга келган бўз арзон деганларидек, «Тўртинчи ҳокимият»да ҳам бир лафз борми? Биз оддий газетхонлар кимга ишонайлик?!

Собир ЁДИКОВ

ТАҲРИРИЯТДАН:

Халқда беш бармоқ баробар эмас, деган гап юради. Бу айни пайтда матбуот ходимларига ҳам тааллуқли, албатта. Бугун «Гарчи бир неча ойдан буён маош ололмаётган бўлсак-да, хўжалигимиз раиси ойнаи жаҳонда кўкларга кўтариб мақтади» ёки «Фалон ошхонанинг таомлари бемаза бўлишига қарамасдан газета-журналларда реклама қилиб турилади» каби гап-сўзлар қулоғимизга тез-тез чалиниб туриши сир эмас. Бундай кўзбўямачиликлар ортида эса ўша оммавий ахборот воситасининг, жилла қурса, мухбирнинг... манфаатдорлиги йўқ деб ким айта олади? Буёғи энди ҳар кимнинг ўз виждонига ҳавола. Биз юқоридаги луқмани нафақат ҳар иккала ҳамкасбимизга, балки барча матбуотчилар учун ҳам ўйлаб кўришга арзигулик мавзу деб билдик ва «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр» деган нақлга амал қилиб, уни ҳеч бир таҳрирсиз чоп этишни лозим топдик. Ҳулосани ўзингиз чиқариб оласиз деган умиддамиз.

Бизнинг мусоҳаба

ОДИЛ СУДЛОВ ТАРАҚҚИЁТ

Янгийўл тумани судининг раиси С.Сахатдинов билан суҳбат

Салоҳиддин Мансурович САХАТДИНОВ, 1957 йилда Оққўрғон туманининг Олимкент қўрғонида деҳқон оиласида туғилган.

1982 йилда Тошкент Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Шу йилдан бошлаб Юқори Чирчиқ тумани ИИБда терговчи, Оққўрғон тумани судида ижрочи, Янгийўл, Бўка туманлари ва вилоят судларида судья бўлиб фаолият кўрсатган.

1994 йилдан буён Янгийўл туманида суд раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Комилахон «Феруза» тикувчилик фирмасида тикувчилик қилади.

Шиори: Одил судлов - тараққиёт омили. Бўш вақтларида газета-журнал, детектив асар мутолаасини, сайр ва тарихий қадамжоларни зиёрат қилишни ёқтиради.

- Салоҳиддин Мансурович, маълумки республикамиздаги ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, суд органи давлатимиз ва халқимизнинг энг ишончли, таянч идораларидан бири сифатида эътироф этилади. Ушбу эътирофнинг боиси нимада деб ўйлайсиз?

- Биласизми, судьялар олдида адолатли ҳукм чиқаришдек муҳим ва бурчий ҳаракат турадики, бунинг негизида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдек буюк хизмат ётади.

Ҳурматли Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, **«халқ судни фақат қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган орган деб билиши керак».**

Конституциямизда «Судлар мустақилдир, улар фақат қонунга бўйсунадилар» деб ёзиб қўйилган. Бу бежиз эмас, албатта. Конституция ва қонун талабларида иш юритиш, жиноятчиликка қарши самарали иш олиб бориш биз судьяларнинг муқаддас бурчимиздир.

- Тажрибали ҳуқуқшунос, етук мутахассис сифатида жиноятчиликнинг туб моҳияти ва унинг келиб чиқиш асослари нималардан иборат деб ўйлайсиз?

- Авваломбор, жиноятчиликнинг келиб чиқиш моҳияти жойлардаги адолат мезонининг бузилишидан деб ўйлайман. Ғаразгўйлик, бир-бирини тушунмаслик, ўзини бошқа бировдан устун қўйиш, нафс балосига гирифтор бўлиш, гиёвандлик ва ичкиликбозликка ружу қўйиш, баъзи ҳолларда моддий ва маънавий етишмовчиликлар ҳам бундай жиноятчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тўғриси, халқ, юрт дарди билан яшаб меҳнат қилаётган олийжаноб инсонлар орамизда кўп. Афсус, минг афсус, баъзан олийжаноб деб билган одамлар орасида ҳам тўғри йўлдан чалғиб, билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолганлар учрайди.

Яқинда ана шундай инсонлардан бири 70 ёшли пиру бадавлат отахон Қўчқор Хидиров устидан жиноий ишни кўриб чиқишга тўғри келди. Тўғриси, бу табаррук отахоннинг қора курсида ўтириши кўпчиликнинг қалбини ларзага солган бўлса-да, қонун у кишига нисбатан ўз ҳукмини чиқарди.

Айбланувчи Қўчқор ота Хидиров 1998 йил 11 апрел куни ўғли билан қизини яраштириб қўйиш мақсадида куёвиникига боришади. Ўртада жанжал чиқиб, ота куёвига нисбатан оғир тан жароҳати етказади. Натижада куёв Абдуғаффор Йўлдошев чап кўкрагига урилган пичоқ зарбидан оламдан кўз юмади. Ҳўш, отани бундай жиноятга қўл уришига нима сабаб бўлди, деган ҳақли савол туғилади.

Айбланувчи, жабрланувчи томон ва гувоҳларнинг судда берган кўрсатмаларидан маълум бўлдики, отанинг қизи Азиза 1982 йилдан марҳум А.Йўлдошев билан қонуний эр-хотин бўлиб яшаб, 4 фарзандни вояга етказишган. Аммо ўртада меҳр-оқибат, самимий муносабат бўлмагач, 1984 йилда улар расмий ажрашишган. Орадан 4 йил ўтиб, яна эр-хотин бўлиб яшашган. Азиза охирги марта 1997 йил октябр ойида эри билан жанжаллашиб отасиникига кетиб қолган.

Суд ишида гувоҳ сифатида қатнашган марҳумнинг акаси А.Йўлдошев ўз кўрсатмасида «келинимиз эри (укам)га нисбатан қўпол муносабатда бўлар, уйдан эрта чиқиб, кеч қайтарди. Сабабини сўрасак, «сенинг нима ишинг бор» деб сенсираб, жеркиб жавоб қайтарарди». Келинимиз бешинчи фарзандига ҳомиладор бўлган пайтида, ундан гумондор бўлган укам «олдириб ташла» деганида отасиникига кетиб қолган, дея баён қилади. Айбланувчининг ўғли, Азизанинг укаси Заҳриддин ўз кўрсатмасида «поччам билан опам тез-тез жанжал қилиб турарди, лекин бирон марта поччамнинг опамга қўл кўтарганини эшитмаганман, кўрмаганман ҳам» деб айтади. Кўриниб турибдики, оиланинг барбод бўлишига, ўз болаларини отасиз қолишига сабабчи бўлган Азизада айб кўп. Бугун у эл орасида қандай бош кўтариб юради? Яқин қариндошлари, маҳалла-кўй, фожиани эшитганлар унинг шаънига тавқи-лаънат айтаётгани ҳеч кимга сир эмас. Энди унинг пушаймон бўлиб тўкаётган аччиқ кўз ёшлари қилган гуноҳларини ювалармикин?

- Ота ва она учун энг олий неъмат - фарзанд. Ҳеч қачон ота ёки она болам ёмон бўлсин демайди. Аммо...

- Кўп йиллик судьялик фаолиятимда қанчадан-қанча жиноий ишларни кўришимга тўғри келди. Ҳаммасидан ҳам ачинарлиси, вояга етмаган ўғил-қизларнинг қора курсида ўтириши бўлса керак. Кўпинча ота-она ўз-ўзига савол беришдан кўра фарзандининг жиноят содир этишига «фалончи ва фалонлар сабаб» деб турли важлар тўқийдилар. Менимча, ноаҳил, баъзан ўзлари тарбияга муҳтож ота-оналар таъсирида фарзандлар нотўғри йўлга кириб кетадилар. Биргина ўтган йилнинг ўзида вояга етмаган ёшлар ўртасидаги жиноятлар содир бўлишида ота-оналарнинг лоқайдлиги, болаларнинг тақдирига масъулиятсизлик билан қарашлари асосий сабаб эканлиги судда исботланди.

Хулоса қилиб айтишимиз керакки, даставвал тарбияси оғир бўлган ўғил-қизлар ота-она, қўни-қўшни, мактаб, маҳалла оқсоқолларининг диққат-эътиборида бўлмоғи лозим.

Ортиқбой ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Шу сонга хабар

БОШ ПРОКУРОР ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

21 май куни Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчасида ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори У.Худойқулов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбир Тошкент Давлат Техника Университети, Тошкент Давлат Университети ҳамда «Ёшлик» Ҳокимияти жамоаси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда Тошкент шаҳар прокурори М.Наимов, С.Раҳимов тумани прокурори Э.Абзалов, Республика олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг раиси, академик Т.Миркомилов ва бошқалар иштирок этди.

Учрашувда сўзга чиққан Бош прокурор динга эътиқод ва муносабат, жамият маънавиятини юксалтириш, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш масалалари борасида тўхталиб ўтди. Шунингдек, У.Худойқулов, юртбошимизнинг ёшларга алоҳида эътибор билан қараб, уларни ҳар томонлама камол топишига ва етук инсонлар бўлиб етишишига тинмай ғамхўрлик қилаётганини мамнуният билан таъкидлади.

Тадбир давомида Бош прокурор ва учрашувнинг бошқа иштирокчилари талаба ёшларни қизиқтирган кўплан-кўп саволларга жавоб бердилар.

Эркин РУСТАМОВ,
ТДТУ доценти

ҚЎНҒИРОТНИНГ ҲИММАТЛИ ҚУРБОН ОҒАСИ

Бизнинг ташрифимиз ҳақидаги «хушхабарни» эшитган депутатнинг қошлари чимирилди:

- Оббо, ўтган ҳафта ҳам иккита республика газетасидан журналистлар келганди... Бугун эрталабдан буён вилоят телевидениесининг йигитлари билан андармон бўлсам...

- Бунинг нимаси ёмон, Қурбон ака, депутат ва раҳбар сифатида амалга ошираётган ишларингизни элга кўрсатишади-да, - деймиз у кишининг бетон қоришмаси сачраган ҳорғин юзларига қараб.

2 БЕТ

ҲАР КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...

Мустақил Ўзбекистон давлати, унинг ёркин келажаги барчамизнинг фахримиз, орномусимиздир. Буюк давлатнинг буюёд этилишида қонун устуворлигини таъмин этмоқнинг аҳамияти юксак. Аммо шуни ҳам тан олмоқ керакки, қонун нечоғлик адолатли бўлмасин, унинг назорати топширилган кишилар одиллик тамойилига риоя этмас экан, бу борада мукаммалликка эришиш қийин. Қонун адолатли посбон қўлида тантана қилади, афзалликларини намойиш этади.

2 БЕТ

Ҳуқуқшунослар баҳси

ШЕРЗОДБЕК ҒОЛИБ БЎЛДИ

Бугун мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятининг қонуний негизлари ишлаб чиқилмоқда. Тараққиётимиз йўлларини кўрсатиб берувчи қонунларимиз мазмун ва моҳиятини ҳар бир фуқаро фикран ва қалбан теран англамоғи даркор. Шу маънода Президентимизнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган маърузаларидаги: «Учинчи устувор йўналиш кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ» деган сўзлари ёшлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Яқинда Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган республика ёш ҳуқуқшуносларининг 1-анъанавий олимпиадаси фикримизга яққол мисол бўла олади. Унда Самарқанд, Нукус, Фарғона, Гулистон Давлат университетлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Тошкент Давлат университети ҳамда Тошкент Давлат юридик институтининг энг иқтидорли талабалари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, Адлия Вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари иштирок этдилар.

Олимпиада очилишида сўзга чиққан Тошкент Давлат юридик институти ректори, профессор Ҳалим Бобоев анжуман иштирокчиларини қизғин табриклаб, мустақил ватанимиз тараққиётини сиёсий жиҳатдан етук, маънавий жиҳатдан баркамол ва ҳуқуқий жиҳатдан билимли ёшларсиз тасаввур қилиш қийин эканлигини, шунинг учун ҳукуматимиз, шахсан юртбошимиз ёшларга катта эътибор қаратаётганлари, таълим олиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ҳақида атрофлича гапирди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги Академияси илмий ходимлари, Самарқанд Давлат университети, Фарғона Давлат университети вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтдилар.

Шундан сўнг олимпиадани ўтказиш тартиби эълон қилинди. Берилган уч соат мобайнида талабалар, Конституциявий ҳуқуқ, Давлат ҳуқуқи назарияси, Жиноят ҳуқуқи, Халқаро ҳуқуқ ва Мусулмон ҳуқуқи фанлари бўйича ўз билимларини тест асосида синаб кўрдилар. Таниқли хонанда Гулбаҳор Сулаймонова ва «Хумор» вокал-чолғу ансамбли ижро этган куй-қўшиқлар қалбларга ором бахш этди.

Олимпиаданинг иккинчи куни натижаларни эълон қилиш ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Адлия вазирлиги Бошқарма бошлиғи И.Маманов ғолибларни эълон қилди. Унга кўра 1-ўрин Тошкент Давлат юридик институти талабаси Шерзод Матиев, 2-ўрин Ички ишлар вазирлиги Академияси талабаси Ойгул Айдарова, 3-ўрин Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабаси Ҳусниддин Шерматовларга насиб этди.

Жамоалар ўртасида ўринлар қуйидагича тақсимланди: Тошкент Давлат юридик институти биринчи, Ички ишлар Вазирлиги Академияси иккинчи ва Самарқанд Давлат Университети учинчи ўринни эгаллади.

Қувончбек ҚОДИРОВ,
ТДЮИ услубчиси

Назорат ва таҳлил

СОЛИҚ ТУШУМИ — ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Иқтисодиётни мустаҳкамлашда давлат бюджетининг асосини ташкил этишда солиқ тизими алоҳида ўрин тутади. Мустақил давлатимизнинг такомиллашиб бораётган солиқ тизими бозор иқтисодиёти шароитида тўғри белгиланган солиққа таянади. Солиқ сиёсати пул кредит механизми билан бирга ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантиришга, хўжалик ҳажми ва таркибига самарали таъсир этади. Демак, унинг моҳияти тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдан, солиққа тортишнинг адолатлилигидан, давлат ва маҳаллий миқёсда солиқларни аниқ чегаралашдан, солиққа тортишнинг қонуний асосда амалга оширишдан иборат.

Бинобарин, биз солиққа тортиш ва солиқ тўлаш тушунчаларини қандай идрок этамиз? Мухбиримиз шу ва шу каби саволлар билан Касби туман Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи Норқобил Ўтаевич ОРЗИҚУЛОВга мурожаат қилди.

Норқобил Орзиқулов 1951 йилда туғилган. 1976 йилда Тошкент Халқ хўжалиги олийгоҳини, 1998 йилда эса Тошкент Давлат юридик институтини битирган. 1996 йилдан буён Касби туман солиқ инспекциясининг бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. Оилали. Рафиқаси Маҳбуба Тоштемирова мактабда муаллима. 5 нафар фарзанди бор.

- Норқобил ака, туманда аҳолидан, хўжалик, корхона ва ташкилотлардан солиқ ундириш борасида олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлиги ҳақида гапириб берсангиз...

- Аввало, туманимиз ҳақида икки оғиз сўз. Аҳолиси 123 минг кишини ташкил этади. Асосий касбкори деҳқончилик. Деҳқонларимиз ўтган йили пахтадан 61 минг тонна, ғалладан 32203 тонна ҳосил кўтардилар. Мавжуд 14 хўжалик орасида Ш.Рашидов, А.Навоий, Насафий номли хўжаликлар юқори ҳосилдорликка эришмоқда. Бошқа хўжаликлар ҳам унчалик иқтисодий ночор эмас. Даромадга қараб буромад, дейдилар. Агар ҳамма солиқ тушумлари тўғрисидаги қонун ва кўрсатмаларга бирдай амал қилса кўнгилдаги натижаларга эришса бўлади.

Мақсадимиз - солиққа оид йўриқномаларни ҳар бир фуқаро онгига иложи борича тўлароқ етказиш, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериш, соҳадаги муҳим янгиликлар билан чуқурроқ таништиришга қаратилмоқда. Солиқ тўловчилар ўртасида тарғибот ва ташвиқотни кучайтириш мақсадида туманимизнинг деярли ҳар бир қишлоғида учрашув, семинарларни мунтазам ўтказиб турибмиз. Бундай тадбирлар туфайли давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар режага кўра ортиғи билан бажаришга эришилмоқда. 1998 йили давлат бюджетига даромад тўлаш режа топшириқларини 108,8 фоизга уддалашга муваффақ бўлдик. Ёки давлат хазинасига 636 млн. 405 минг сўм ўрнига 692 млн. 350 минг 800 сўм маблағ туширилди.

Инспекциямизнинг 35 нафар ходими бўлиб, уларнинг 95 фоизини олий маълумотли мутахассислар ташкил этади. 5 та бўлим, 3 та шўъба, 8 та участкага бириккан ҳолда қонунларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида қўлни-қўлга бериб ишлаганимиз ютуқларимиз гарови бўлмоқда. Энг яхши кадрларимиз тизимда ҳаракатлантирувчи куч сифатида эътиборга лойиқ. А.Рустамов, Т.Мирзаев, Б.Намозов, Б.Пўлатов, Д.Дабуров, Р.Эгамов, Н.Аминов, Н.Ҳусанов каби билимдон, ғайратли ва ташаббускор ходимларимиз номини алоҳида қайд этиб ўтишни истардим.

- Қарздорлик, қарзларни ўз вақтида ундириб олиш борасида қандай чора ва тадбирлар қўлланилмоқда?

- Ўтган 1998 йилда бу масалада 206 марта назорат тартибида текшириш ўтказиб, 46 та корхонада муддати ўтган дебитор қарзлар борлиги аниқланиб, 84 нафар мансабдор шахсларга нисбатан 854 минг 400 сўм жарима қўлланилди. Бундай ҳолни такроран содир этган «Қашқадарё» жамоа ширкати хўжалиги (раиси Я.Муҳамадиев), «Талишбе» жамоа ширкат хўжалиги (раиси Э.Ниёзқулов), ДҚБ-18 қурилиш идораси (Ҳ.Эрданаев), Беруний номли жамоа хўжалиги (раиси Б.Шомуродов) икки мартадан жарима тўлаб, қаттиқ огоҳлантирилган бўлсалар ҳам лоқайдлик ботқоғидан чиқолмаяптилар. Эътибор берсангиз, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган, бир-бирига ёндаш, ери ҳам, суви ҳам деярли тенг бўлган «Ғалаба» пайчилик хўжалиги билан «Қашқадарё» жамоа ширкат хўжалигини, Ш.Рашидов ёпиқ пайчилик корхонаси билан «Комилон» жамоа ширкат хўжалигини қиёслайдиган бўлсак, «Ғалаба» ва Ш.Рашидов хўжаликларида ҳосилдорлик ҳам, ўзаро тўловлар ҳам рисоладагидай. «Қашқадарё» ва «Комилон»да аҳвол эса кишини ранжитади.

Ўз вақтида бюджетдаги тўланмаган солиқлар боқиманда ҳисобланади. Ўтган йилнинг бошида туман бўйича жами 199 млн. 638 минг сўмлик боқиманда қарзлари борлиги аниқланган эди. Йил давомида барча тадбирлар ишга солиниб, юқорида тилга олинган сўмдан 67 млн. 384 минг сўм камайтиришга эришилди. 1999 йилда 52 млн. 254 минг боқиманда қарзлар бўлиб, улар дебитор қарзларни ўз вақтида ундирилмагани оқибатида келиб чиққан. Биргина туман пахта тозалаш заводида бундай боқиманда 34 млн. сўмни ташкил этади. Бу қарзларни шу йилнинг биринчи чорагида тўла-тўкис тугатиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўтган йил давомида 206 та корхона ва ташкилотларда солиқ тўловларини ҳисобланиш ва ўтказилишини таъминлаш мақсадида текшириш ўтказдик. Уларнинг 124 таси қонунбузарликларга йўл қўйганлиги аниқланди. Ушбу корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан баённомалар тузилди. Улар 1 млн. 260 минг сўмлик жаримага тортилди.

Мақсадимиз давлат бюджетини бойитиш, халқимиз дастурхонини серфайз қилиш, юртимиз фаровонлигини таъминлашдир.

Суҳбатдош:
Р. ҒОЗИЕВ

ҲАР КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Акс ҳолда қонун қанчалар мукаммал ва инсонпарвар бўлмасин, у нияти бузуқ кимсалар қўлида қиммати, обрў-эътиборини йўқотиб қўяди.

Қонунчилигимизни юксалтириш, қимматини ошириш йўлида фидойиларча меҳнат қилаётган, бор маҳоратини, билими, куч-ғайратини улуғ мақсадларга сарф этаётган ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак камлик қилади. Аммо гоҳи-гоҳида гуруч орасида курмак бўлгани каби улар орасида ҳам шундай шарафли касбга доғ тушираётганлар учраб қолади. Республика ИИВ НИИБ ходимлари Муроджон Абдураҳимов ва Раҳмонберди Саидакромовлар ана шундай кимсалар тоифасидан экан.

1998 йилнинг 28 октябр куни кундузи соат 3^{00} да Самара-Андижон йўналишидаги 236-сонли пассажир поезди йўлга тушди. Дастлаб барча вагонлар сингари 7-сонли плацкарт вагонида ҳам тинчлик ҳукмрон эди. Аммо бироз фурсатдан сўнг бу вагонда ҳеч кутилмаган воқеалар содир бўлди.

Республика ИИВ НИИБ қошидаги ЭКО бўлимида эксперт лавозимида ишлаб турган Муроджон Абдураҳимов сабабсиз ҳолда ўз хизмат жойини тарк этиб, фуқаролик кийимларини кийиб олди. Сўнг Чингилди темир йўл шоҳбекатига бориб, вагон кузатувчиси ва поезд бригадирига шахсий хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, биз юқорида ҳикоя қилаётган поездга чиқди.

7-плацкарт вагондаги йўловчилар Мирзодод Шарипов, Миравазхон Гулмирзаевлар рўпараларида пайдо бўлган шахсни кўриб, аввалига ҳайрон бўлдилар. Нотаниш одам уларга хизмат гувоҳномасини кўрсатгач, чеҳраларида ҳам хотиржамлик, ҳам нотинчлик аломати пайдо бўлди. Милиция ходими улардан паспортларини талаб қилди ва вагон кузатувчиси Рафиқжон Нурматовнинг хонасига бошлаб кетди. Хонага киргач эса дабдурустдан паспортни қайтариб бериш эвазига 150 Россия рублини талаб қилди. Йўловчилар пуллари йўқлигини айтиб тавалло қилавергач, жаҳл билан паспортларни қайтараркан, уларни ҳақорат қилиб ҳайдаб чиқарди. Сўнгра эса худди шу вагондаги, шу одамлардан Муроджон Абдураҳимов ололмаган пулларни унинг ҳамкасби Раҳмонберди Саидакрамов олишга «муваффақ бўлди». Р.Саидакрамов Тошкент шоҳбекати НИИБсида оддий милиционер бўлиб ишларди. У милиция ходими деган шарафли номдан ўз нафси учун фойдаланишни одат қилди. Бу дунё беш кунлик, унда ҳар қандай қабиҳ ишлардан қайтмай, пул топиш, кайф-сафо қилиш керак деган хаёлда ҳамкасби М.Абдураҳимовдек «фаолият» кўрсатди. Фақат фарқи шундаки, у йўловчилардан 300 АҚШ доллари ва 1500 Россия рублни уларнинг пойафзалларигача тинтув қилиб тортиб олди. Бу борада ўзининг шеригидан анча устун эканлигини намойиш этди. Мурод бундан кейин Раҳмонбердидан қолишмасликни кўнглига тугиб қўйди. Сўнгра улар катта ўлжадан кўнгиллари кўтарилиб, ялиниб-ёлвориб турган жабрдийдаларга «яхшилик» ҳам қиладилар. Яъни уларга 500 Россия рублини ва паспортларини қайтариб берадилар ва бу ҳақда ҳеч кимга «чурқ» этмасликни уқтирадилар» Бироқ...

Шу тариқа қонун посбонлари ўта разил жиноят содир этиш билан Президентимизнинг «Қонун, яна бир бор қонун - катта-ю, кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъий назар, барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!» деган ғоят мазмунли ва адолатли сўзларини унутиб қўйишди.

Одил суд ҳакамлари ўз хизмат ваколати доирасидан четга чиқиб, товламачилик қилган, осойишталик посбони деган шарафли номга доғ бўлиб, жиноят содир этган Муроджон Абдураҳимов ҳамда Раҳмонберди Саидакромовларни қилмишларига яраша жазога маҳкум этдилар. Бу нохуш ҳол кўпларни ўйга толдирди. Негаки, ҳуқуқий демократик давлатда қонунларни менсимаслик ҳолатлари энг кечириб бўлмас ҳолатлардандир. Қонун учун барча бирдек курашгандагина у янада қудратли бўлади. Шу қудратга зарра бўлса-да, путур етказган, ўзларига берилган ишончни барбод айлаб, бош қашиб қолган икки маҳкум қошида улуғ донишманд шоирнинг ушбу сатрлари ёдга тушади:

Ҳар кимки вафо қилса,
вафо топкусидир,
Ҳар кимки жафо қилса,
жафо топкусидир.
Яхши киши ёмонлиқ
кўрмагай ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса,
жазо топкусидир!

Бахтиёр АБДУВОҲИДОВ,
Тошкент транспорт прокурори ўринбосари, биринчи даражали ҳуқуқшунос

Тавба-тазарру

КЎР КЎЗНИНГ ОЧИЛИШИ

Юртбошимизнинг турли диний оқимлар таъсирига берилиб, ота-онаси, маҳалласи, юртидан олисда изғиб юрганларни, боши берк кўчага кириб қолганларни авф этиш ҳақидаги фикрлари оталарча меҳр-мурвват, бағрикенглик ифодасидир.

Эгилган бошни қилич кесмайди, дейдилар. Юртбошимизнинг даъватларини ўзларига берилган яна бир катта имконият, мурувват деб билган кўплаб фуқаролар ҳуқуқ-тартибот идораларига келиб, йўл қўйган хатолари учун кечирим сўрамоқдалар, тавба-тазарру қилмоқдалар. Андижон вилоят прокуратурасида бўлганимизда қилмишларидан пушаймон бўлиб, кўр кўзлари кеч очилиб, изтиробда ўтирган турли ёшдаги ўнлаб фуқароларга дуч келдик. Уларнинг бошлари эгик, кўзларида ёш...

Диловар МАҲМУДОВ, Андижон туманидаги Хартум қишлоғи фуқароси, 33 ёшда:

- Ваҳҳобийлик оқимига қандай кириб қолганимни ўзим ҳам билмайман. Олий маълумот эгаси бўла туриб, ақл-идрок билан иш тутмаганлигимни кечиролмайман. Рухсат этилмаган масжидларнинг «кунда-шунда»сига айланиб қолганимни эсласам гапнинг очиғи, ўзимдан нафратланиб кетаман. Мени кўзим 16 феврал воқеаларидан кейин очилди. Унга қадар ваҳҳобийчиликнинг туб моҳиятини тушуниб етмаган эдим.

Ўзини динимиз софлиги учун курашчилар қилиб кўрсатган ақидапарастлар аслида юртимиздаги тинчлик, осойишталикни кўролмаётган, Ватанимиздаги ободончилик, юксалишга ҳасад қилаётган, нияти бузуқ, ичи қора, бузғунчи кимсалар экан.

Мен афғон урушида қатнашганман. Уруш мусибат, кулфат, вайронагарчилик, қашшоқлик, турли бало-қазолар олиб келади. Бу оддий ҳақиқатни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Маҳмуджон АҲМЕДОВ, Андижон туманида яшайди, тўрт нафар боланинг отаси:

- Ҳамма айб биз ота-оналарда. Болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйдик. Уларнинг юриш-туриши, кўчалаги улфат-ёронлари билан қизиқмадик. Ҳафталаб, ойлаб уйга келмаса ҳам ташвишга тушмаганимиз алам қилади. Мени кечиринглару ҳали бутун бошли одам экан, биронта қўй ёки товуқ кўринмай қолса, уни қидирмаган еримиз, суриштирмаган қўшнимиз қолмас эди.

Ҳа, айримлар, шу жумладан, мен ўзим ҳам оталик бурчимни унутганимни, бепарволикка йўл қўйганимни тўнғич ўғлим Муқимнинг қамалганидан, Ғайрат исмли ўғлимнинг беш ойдан бери дараги чиқмаётганидан кейин тушундим. Бироқ кеч.

Инсон ёшинг ўтиб, кексайиб қолганингда, ўз болангга суянасан. Белимга мадор, кўзимга нур бўлармикин, деб умид қиласан. Мен-чи?! Болаларимнинг нобакорлиги ақидапарастларга қўшилиб, оиламизга, эл-юрт шаънига исноди келтирганидан бошимни кўтаролмай қолдим. Уларнинг касрига оилада тинчлик йўқолди, бола-бақра тирик етим бўлиб қолди.

Ўғилларим бағримизга қайтишини жуда-жуда истайман. Бунинг учун аввало, менинг, қолаверса, фарзандларимнинг гуноҳидан ўтинглар, азизлар!

Фозилжон МАННОБЖОНОВ, Андижон туманидаги Бўтақора қишлоғида яшайди, 47 ёшда:

- Деҳқончилик билан шуғулланаман. Орада шу оқимга қўшилиб хато қилганимни тушуниб етдим. Ахир, бизга нима етмаётган эди? Масжидларнинг эшиклари очиб қўйилган. Аввалгига ўхшаб минг бир ҳадик билан тоат-ибодат қилмаётган эдик-ку. Бизларни шайтон йўлдан оздирди. Аниқроғи, шайтон қиёфасидаги ақидапарастлар. Кўзимиз кўр экан, онгимиз ғўр экан...

— Шаҳрихон туманидаги Тумор қишлоғида истиқомат қилувчи Баҳром Абдуллаев, избосканлик Ваҳоб Исмоилов, Мамасодиқ Қодиров, марҳаматлик Олимжон Абобакиров, Қобил Мамарасулов, Акром Олимов, Асака шаҳридан Обиджон Аҳмадалиев ва бошқа ўнлаб фуқаролар ҳам авф сўраб бизга мурожаат қилдилар, - дейди вилоят прокурори, учинчи даражали адлия маслаҳатчиси Умматали Шамсиев. - Улар бундан кейин ақл-идрок билан иш тутадилар. Ҳалол меҳнатлари билан ўзларига билдирилган катта ишончни оқлайдилар, деган умиддамиз.

И.ЭГАМНАЗАРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Олий Мажлис депутатлари

ҚЎНҒИРОТНИНГ ҲИММАТЛИ ҚУРБОН ОҒАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

- Кошки умр беҳисоб бўлса, очиғи, вақтимни қизғанаман. Қай куни «Туркистон» газетасининг мухбири ҳам келган экан, кун узоғи бирга юриб, эзмаланиб қурилиш участкалари, чорвачилик ёрдамчи хўжалигини ва яна тегирмонлару экинзорларни кўрсатдим. Мақтанаяпти демангу битта роман ёзса бўладиган маълумот бердим...

- Хўш, ёзилдими?
- Нима?
- Роман-да!

- Гугурт қутисидан сал каттароқ нарса ёзган экан. Яна уялмай «ўқидингизми» деб пеша қилгандек бўлди. «Ўлганга некролог бергандек қилибсиз» дедим!..

Оббо, Қурбон оға-ей! Умуман бизнинг чапани қаҳрамонимизнинг феъли шунақа! Мақтанишни ҳам, камтарлигу сиполикни ҳам келиштира олмайди. Бировдан аччиқланса «юзинг-кўзинг» демайди. Кўнглига яқин олган одамини «сен»лаб гапиради.

Очиғини айтганда бу одам ҳақида кўп ёзилган, анча-мунча қизиқарли кўрсатувлар ҳам берилган. Аслини олганда бу ажойиб хислатли юртдошимиз меъёрига етиб-етмаган мақтовга муҳтож ҳам эмас. Унинг кимлигини билмайдиган одам жаннатмакон Сурхонда кам топилади. Ҳар гал Президентимиз «Мана шу азиз Ватанга элим, юртим деб ёниб яшайдиган инсонлар керак» деб гапирганларида кўз ўнгимизда қаҳрамонимизнинг сиймоси гавдаланади. Қурбон Амирқулов табиатан янгиликларга ўта ўч, изланувчан одам, ўзи раҳбарлик қиладиган Музрабод дон маҳсулотлари комбинатининг (ҳозирги «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонаси)нинг кенггина ҳудудида қурилаётган иншоотлараро елиб-югуришини кўрсангиз, бу одамга кунига меъёрдаги 8 соат эмас, балки мўлжалдаги режаларини адо этиш учун субҳидамдан ой чиққунга қадар ҳам вақт етмаслигини ҳис этасиз. Ўзига ҳам, жамоа аъзоларига ҳам талабчан. Корхонада идора ходими ёки қоровул, омборчи деган штатлар ўртасида тафовут йўқ. Аҳил жамоанинг 85 нафар аъзоси бор, вассалом. Хоҳ енгил, хоҳ оғир иш бўлсин, барчалари баравар ёпишадилар. Ва бундан ҳеч ким норизо эмас. Корхона ишчи-хизматчиларининг ойлик иш ҳақлари «Инсон манфаатлари йили» деб аталган 1997 йилда ўртача 3171 сўмни ташкил этди. Бундан ташқари ҳар ой охирида одам бошига 9-10 килограммдан гўшт, оила эҳтиёжларига яраша гуруч, шунингдек, кунига ярим литрдан сут бепул тақсимланмоқда.

Қурбон ака Амирқулов (олтмиш ёшни қоралаб турган одам) шундай шошаётган эдики, мўлжалланган жойга ҳозир етиб бормаса ўт олиб кетадигандай ярим соатдан кейин идорада учрашишни ваъда қилиб, бир йигитчани ёнига чорлаб, «ўғлим мухбир акаларингни бир айлантир» дея ҳовлининг қайсидир бир бурчагига сингиб кетганида ҳангу манг бўлиб қолдик.

- Мен Алишер Қурбонов, иқтисодчиман, - дея ўзини таништирди брезент коржома кийган орик ва новча ўспирин. У иқтисодчидан кўра кўпроқ чўпонга ўхшарди. Ва ҳайрон қолганимизни сезиб, қўшиб қўйди. - Олий маълумотли иқтисодичиман, лекин корхонанинг ёрдамчи хўжалигидаги моллларга ҳам қарайман. Қурбон аканинг яккаю ягона ўғлиман. Отам ҳаммамизга барча ишни биргалашиб бажаришга ўргатган...

Ун комбинатида, шолининг қайта ишлаш цехида ҳаёт қайнайди.

- Меҳмонлар, - дейди Алишер, сурхонча илтифот билан, - аввал лимонзорни кўрсатайми?

70 сотихлик иссиқхона ўсаётган лимонларни кўриб қойил қоламиз. Кейин насллли отлар боқилаётган жойга ўтиб, арғумоқлар қадди-қоматига маҳлиё бўлиб, кетгимиз келмай қолди. Уларга кўзимиз «тегиб» қолишдан қўрққандай Алишер бизларни юришга қистайди.

Молхонадаги ҳар бир жараён автоматлаштирилган. Жуда кам одам ишлаб, кўп даромад олинади. Кўк масса силос ботирмалардан фақат 2 таси бўшабди, холос. Бизни ҳайрон қолдирган нарса ёрдамчи хўжаликдаги саранжом-саришталик, озодалик ва тартиб-интизом бўлди. Бир бўлак хас-хашакни бир жойда ётмаганини кўриб ҳайрон қолдик. Ҳовли эса ёғ тушса ялагудек. Наҳотки, шундай қилишнинг иложи бўлса? Қурбон оғанинг раҳбар сифатида жамоасига, Олий Мажлис депутати сифатида сайловчиларга кўрсатаётган ҳимматларини санаб адо қилолмайсиз.

Қурбон Амирқулов ўз округидан 7 та жамоа хўжалигига, 3 та Қўрғонга, жами 400 километрдан зиёд масофага табиий газ ва 280 километр сув қувурлари етказиб берди. Ҳаттоки хонадонлардаги пайвандлаш ишларида ҳам бош-қош бўлиб турди.

«Янгиобод» ҳиссадорлик жамиятига қарашли экинзорларни суғориш учун сув чиқарадиган насос станцияси ҳамда «Бешкўтон», ат-Термизий номли жамоа хўжаликлари ҳудудига ўтувчи темир йўл кесишмаларида хатарсиз ўтиш жойлари барпо эттирди.

Корхонаси жойлашган «Гагарин» қўрғони ва қўшни аҳоли масканларидаги асосий йўллари асфальт қилдирди.

Президентимизнинг икки йил илгари воҳага ташрифи чоғида, бойсунликлар табиий газ таъминотида йўлбошчимиздан кўмак сўраган эдилар. Қурбон оға юртбошимизнинг ташаббусларига ҳозиржавоблик кўрсатди ва Бойсун тумани аҳоли масканларига табиий газ қувурлари тортишда салмоқли улуш қўшди. 70 километрлик газ қувури торттириб, халқимизнинг дуосини олди. Шунингдек, бойсунлик сайловчиларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида тоғлар бағридан бир ярим километр туннел қаздирди.

Корхона ишчи-хизматчилари учун кичик қўрғон барпо эттирди. Қўрғонча пишиқ ғиштдан бунёд этилган 15 тадан зиёд ҳовли-уй, мактаб, болалар боғчасидан иборат. Халқ бу қўрғончани «Қурбонқишлоқ» деб атай бошлади.

Комбинат ҳудудида суткада 50 тонна шолини қайта ишлайдиган гуруч заводи, 50 тонна омухта ем ишлаб чиқарувчи корхона қуриб ишга туширди. Ҳар йилги мавсумда 45-50 тонна ҳосилни қабул қила оладиган ва сақлайдиган махсус айвонлар барпо эттирди.

Комбинат қошида 500 бош қорамол, 50 бош йилқиси, 550 дан зиёд қўй-қўзилари бўлган ёрдамчи хўжалик, 0,6 гектар лимонзор барпо этди. Чорва озуқаси етиштириш учун «Янгиобод», «ал-Ҳаким ат-Термизий» номли жамоа хўжаликлари ҳудудидан 55 гектар ташландиқ ерни ўзлаштирди.

1997 йилда донни қабул қилиш ва қайта ишлаш, гуруч, арпа ёрмаси, омухта ем, сут, гўшт, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонасида 3155 тонна 1-навли гуруч, 500 тонна гуруч оқшоғи, 382 тонна арпа ёрмаси, 733 тонна гуруч уни, 1183 тонна арпа уни, 3395 тонна омухта ем, 200 тонна сут, 10 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Олинган 11 миллион 409 минг сўм соф фойданинг 547 минг 743 сўми хайрия мақсадларида сарфланди. Жумладан, кам таъминланган оилаларнинг тўйларини ўтказишда, Бойсундаги «Меҳрибонлик уйи»га, Музрабод тумани ногиронлар жамиятига корхона иқтисодий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, кўплаб мактаблар ва касалхоналарга газ, сув иситиш тармоқлари ўрнатиш учун турли ўлчамдаги металл қувурлар ҳадя этилди. Музрабод туманидаги шифохоналар ва болалар боғчаларига 46 тонна сарёғ, сут етказиб берилди.

Янги мисол: Термизда бўлиб ўтган буюк бобокалонимиз ал-Ҳаким ат-Термизий ҳазратлари хотираси учун ўтказилган III халқаро турнирни мамлакатимиз аҳли ойнаи жаҳон орқали ҳаяжон билан томоша қилди. Осиё чемпионати мақомини олган ушбу турнирга ҳам Қурбон оға ҳомийлик қилди. Арслонкелбат полвонларга қимматбаҳо совғалар ҳамда қиймати икки юз минг сўмлик уч яшар новвос ҳадя этди...

Қурбон ака вақтни қизғаниб қабулхонасига кам кирар экан. Бизни эса ноилож таклиф қилди.

- Биласизми, - дейди Қурбон ака, - кўпгина раҳбарларимизда, тадбиркорларимизда қилаётган ишининг олдиндан режасини тузиш ва таҳлил қилиш етишмайди. Аввал ҳар бир кимса ўзлигини англаб етишга ҳаракат қилсин. Ҳазрат Навоий

«Эл нетиб топгай менини ким,
Мен ўзимни топмасам...»

деб бежиз айтмаган. Яна бир томони шундаки, кўпчилик қонунларимизни яхши билмайди. Бу ишга жиддий бел боғланмас экан, ютуқларимиз ўзига яраша бўлиб қолаверади. Шукуҳли ўтмишимиз сабоғи шулки, мен қурдираётган ҳар бир иморатни минг йилга етса дейман. Бугун шоша-пиша қурсагу эртага йиқилса, мусичадан нима фарқимиз қолади? Яқин ўтмишнинг ноқис меросидан ҳамон қутулолмаяпмиз. 1990 йил Россия заводларидан 400 вагон металл қувур келтирган эдим. «Оғайнилар» ёзишни бошлади. Мен эса одамларимизнинг маданий-маиший турмуши учун ҳаракатдан бўшамасдим. Асли темирчининг боласиман. Қаерда ташландиқ темир ёки бетон бўлса йиғиб келаман. Термизда қурилаётган Уста Қурбон савдо маркази ҳам, идора яқинида қурилаётган бетон заводи ҳам, фақат ана шундай ташландиқ арзон гаров темир-бетон буюмлардан қурилаяпти.

Қурбон ака билан эрталаб учрашганимизда анча қаригандай кўринган эди, гапиратуриб яшнаб-яшариб, қирчиллама йигитдай тетиклашиб кетди. Ё тавба, бу одамда бир гап бор. Ё Ҳизр кўрган, ё орқадор...

- Юринглар, кўзларинг билан кўрмасанглар ишонмайсизлар!

Биз ташқарига чиқиб, пиёдалаб кетдик. У кишига етиб юриш қийин бўлсаям, уялгандан ноилож эргашиб борардик. Қурбон ака ихтирочи, лойиҳачи, қурувчи. Бетон заводи фақат унинг фикр-идроки маҳсули сифатида деярли текинга қурилмоқда. Қурбон ака ўз лойиҳаси бўйича деярли ҳар бир деталга синчиклаб эътибор берар экан. Қиялик, паст-баланд, ўнқир-чўнқир майдонлар кафтдек текисланиб ғалла экилган. Мўл ҳосилдан дарак бор. Шундоққина Музробод - Янгиобод йўли ёқасида минг йилга мўлжалланиб Қурбон қўрғон қурилмоқда. Қўрғон устида рамзий қўнғирот ўтови тикланади. Унинг ёнида афсонавий тулпор Қўнғир от ҳайкали кўкни кўзлаб турса ажабмас...

Чўл бағридан юлиб олинган Қурбон қишлоққа кириб борганимизда яна бир карра қойил қолдик. 30-40 хонадонга мўлжалланган яп-янги уйлар, мактаб ва Қурбон ака қариганда яшаш учун мўлжалланган уй қад ростлаб турарди. Унинг нарёғида балиқхона, ундан нарида қалинлиги 3 метрдан, баландлиги 10 метрдан зиёд қилиб пахсадан ўлмас-йитмас қилиб қурилаётган қўтон. Бундай қўтон балки ер юзида йўқдир. Қурбон ака бир гапни айтиб қолди. Бойсунда Алпомиш ватанида уйга муносиб ҳайкал қурмоқчи. Дангалини айтганда унинг ҳар бир хатти-ҳаракати юртни юксалтиришга қаратилган. Бундай тиниб-тинчимас, ғоят ақлли ва тадбиркор одамнинг қиёсини ҳар жойдан топиш қийин. Унинг ҳар бир ишини иш эмас, жасорат дейиш мумкин. Ундан фақат ўрганиш керак. Қурбон аканинг турган-битгани ибрат. Биз бугун Қурбон ака қилаётган ишларнинг мингдан бир ташбеҳини келтирдик холос. Ҳали у одам ҳақида кўп ёзилади. Ўзи эса ўз ҳаёти ҳақида китоб ёзишга бел боғлаган...

Ичмайдиган, чекмайдиган, фақат ишлаб, ундан лаззат топадиган, тушларида эса булутлар ичида қушдай учиб юрадиган, ҳар қандай расмона одамдан деярли ўн баробар кўп ишлаб чарчамайдиган Халқ депутати Қурбон акага Худодан фақат узоқ умр тилаб қоламиз...

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбирлари

Халқаро ҳуқуқий муносабатлар

ҲАМКОРЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРАДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қатор давлатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқалар боғлашга эришилди. Давлатлараро муносабатларнинг ривожи ва такомиллашуви мавжуд долзарб масалаларни ҳал этишни ва уларни қонуний асослаш, халқаро меъёрларга мослаштиришни тақозо эта бошлади. Жумладан, давлатлараро фуқаролик, жиноий, оилавий ва меҳнат ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларни самарали бажариш, услубий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўриқномалар ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Ана шундай масалаларни тегишли тартибда ҳал этиш учун Адлия вазирлигининг Халқаро-ҳуқуқий бошқармаси ташкил топди. Мазкур бошқарма ташкил топганига 5 йил тўлиши муносабати билан мухбиримиз ушбу бошқарма бошлиғи, III даражали Давлат адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди Мурод Маликович ҲАКИМОВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

- Мурод Маликович, бошқарманинг умумий фаолияти ва вазифалари ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

- Бошқармамиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонунларига, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг идораларо тусдаги халқаро шартномалар тузиш, бажариш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисида»ги қарори доирасида фаолият кўрсатади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 1160-моддасига кўра чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш мақсадида мурожаат қилган суд ёки бошқа давлат органларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Бинобарин, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига киритилгунга қадар Адлия вазирлиги билан келишиб олиниши қайд этилган бўлиб, бошқармамиз шу каби масъулиятли вазифаларни бажаради.

Булардан ташқари, биз юқорида таъкидлаб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг идораларо тусдаги халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисида»ги 1998 йил 12 январдаги 15-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикасининг идораларо тусдаги халқаро шартномаларини тузиш тўғрисидаги таклифлар ва уларнинг лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда киритилиши белгилаб қўйилган.

Ана шулардан келиб чиқиб, таъкидлаб ўтилган қонун талабларига кўра Ўзбекистон Республикаси шартномалари умумий базасини яратиш, шартномавий мажбуриятларни бажарилишини кузатиб бориш ҳамда умумий ҳисобот юритишни тўғри йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 май 257-сонли қарорига мувофиқ Адлия вазирлигининг Халқаро ҳуқуқий бошқармаси ташкил топган эди.

Бошқармамиз бевосита вазирлигимизнинг ҳайъат қарорлари, вазирнинг буйруқлари ва кўрсатмаларига, шунингдек, вазирлик Низомига ҳамда бошқарманинг ўз Низомига амал қилган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради.

Бошқармамиз тузилмасини 3 бўлим - Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик, Халқаро шартномаларни ҳуқуқий экспертиза қилиш ҳамда Халқаро ҳуқуқий ахборот ва назорат бўлимлари ташкил этади.

Бошқармамизнинг алоҳида муҳим вазифалари жумласига вазирликнинг халқаро ҳуқуқий соҳадаги фаолиятини таъминлаш, халқаро ҳуқуқий соҳада вазирлик ваколатига кирувчи барча масалалар юзасидан Президент Девони, Олий Мажлис ва ҳукумат топшириқларини бажариш, Ўзбекистоннинг жисмоний ва юридик шахсларига халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, республика идораларининг ташқи иқтисодий фаолиятини халқаро ҳуқуқий масалалар бўйича таъминлашдан иборат. Масалан, Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик бўлими Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро, ҳукуматлараро ва идораларо тусдаги шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади ва юридик хулосалар тайёрлайди. Чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлашда суд ёки давлат органларига тегишли ёрдам ва тушунтиришлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлимлари, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, республикадаги хорижий давлатларнинг ваколатхоналари ва марказлари билан мунтазам равишда алоқа боғлаб туради. Халқаро шартномаларнинг ҳуқуқий экспертиза қилиш бўлими фаолияти эса муштарийларга тушунарли бўлса керак.

Бошқарманинг Халқаро ҳуқуқий ахборот ва назорат бўлими эса вазирлигимиз бошқармалари фаолиятини ахборот материаллари билан таъминлашни такомиллаштириш тадбирларини амалга оширади, ахборотлар устида ишлашнинг замонавий воситаларини жорий этишни ташкил қилади, халқаро ҳуқуқнинг барча соҳаларига оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ҳуқуқий ахборот-маълумотлари банк мажмуасини яратади. Чет давлатлар қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ соҳасида ахборот-маълумотларини жамлайди. Адлия вазирлиги билан хорижий давлатларнинг тегишли давлат органлари ёки халқаро ташкилотлар билан имзоланган идораларо шартномаларнинг асл нусхаларини, расмий таржималарини депозитарий сифатида сақлайди ва рўйхатга олади, уларнинг тасдиқланган нусхаларини белгиланган тартиб ва муддатларда тегишли вазирлик ва идораларга юборади.

- Мурод Маликович, бошқарманинг бугунги кундаги амалий ишлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

- Бошқармамиз ўтган йилнинг ўзида ўрта ҳисобда 1200 тадан зиёд ҳужжатни муддатида кўриб чиқиб, тегишли ҳуқуқий хулосалар берди. Бошқарма томонидан умумий сони 332 та, шу жумладан, 98 та кўп томонлама ва 232 та икки томонламали халқаро шартномалар бўйича ҳуқуқий хулосалар берилди. Йил давомида давлатлараро халқаро шартномалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси билан Чехия, Польша, Финландия, Россия Федерацияси, Украина, Тожикистон, Молдова Республикалари ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Ташқи ишлар вазирлиги орқали тегишли давлатларга юборилди. Ўзбекистон Республикаси ва Украина Республикаси ўртасидаги ана шундай шартномалар томонлар ўртасида имзоланди.

Бундан ташқари, ҳукуматлараро халқаро шартномалар, яъни Ўзбекистон ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати, Молдова Республикаси ҳукумати ўртасида ҳуқуқий ахборотлар айрибошлаш тўғрисидаги битим лойиҳалари ишлаб чиқилиб, имзоланди.

Бошқармамиз томонидан 62 та идораларо тусдаги халқаро шартномалар бўйича юридик хулосалар берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Миср Араб Республикаси божхона вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Иордания Қироллиги Маданий ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Грузия Давлат Статистика комитети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома лойиҳалари ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари бошқарма ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Россия Федерацияси, Молдова, Белоруссия Республикалари Адлия вазирликлари, шунингдек, Миср Араб Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим лойиҳалари тайёрланиб, тегишли давлатлар идораларига юборилди. Россия Федерацияси ҳамда Молдова Республикаси Адлия вазирликлари билан вазирлигимиз ўртасида тузилган ана шундай битимлар имзоланди. Ўтган йили бошқармамиз ходимлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти миқёсидаги кўп томонлама, Россия Федерацияси, Украина, Грузия, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва бошқа давлатлар билан ўтказилган икки томонламали музокараларда фаол иштирок этдилар.

Мустақиллигимиз берган улкан имтиёзлар туфайли ўнлаб адлия ва суд ходимлари АҚШда ва бошқа хорижий мамлакатларда бўлиб, тажриба алмашиб қайтдилар.

- Мурод Маликович, таҳририятимизга Самарқанд вилояти Пайариқ шаҳар А.Бойзоқов кўчаси, 19-уйда яшовчи Толлибой Эргашев томонидан шундай шикоят тушди. Унда Толлибой Қозоқович 1975 йил 28 августдан 1978 йил 30 июнга қадар Украина Республикаси Донецк вилояти Горловка шаҳрида жойлашган Ю.Гагарин номли кўмир шахтасида ишлаганини ва 1978 йил 30 июнда бахтсиз ҳодиса туфайли II гуруҳ ногиронни бўлиб қолганлигини баён этади. У 1994 йилга қадар шахта раҳбариятидан ҳар ойда ўзига тегишли ногиронлик нафақасини олиб турганини, 1994 йил март ойидан бошлаб уни олмай қўйганлигини, бу масалада Донецк вилоят судига мурожаат қилганлигини, Донецк вилоят суди 1995 йил 1 январдан 1997 йил ноябргача даъво аризасига кўра тегишли пулни ундириб берганини ва яна 1998 йил январдан ҳозиргача бир тийин пул ололмаётганлигини кўрсатган. Бу масалани бошқармангиз қандай ҳал этган бўларди?

- Бу хатни кўриб чиқиш керак. Бошқармамизга келиб тушган шу каби фуқароларнинг ўнлаб аризалари чуқур ўрганиб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар билан тузилган фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномалар бўйича амалий ёрдам кўрсатилиб, Ташқи ишлар вазирлиги орқали тегишли давлатларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун юборилди.

Бундан ташқари бошқармамиз томонидан чет эллик ҳуқуқшунослар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Республика Адлия вазирининг таклифига биноан Миср Араб Республикаси Конституциявий суди раисининг биринчи ўринбосари, Қоҳирадаги халқаро тижорат арбитраж маҳкамасининг раиси Муҳаммад Абулайнейннинг Ўзбекистонга ташрифи уюштирилди. Жаноб Абулайнейн иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида, Тошкент Давлат юридик институтида, Самарқанд Давлат Университетида, Самарқанд вилоят адлия ходимлари ва вилоят хўжалик суди судьялари, Бухоро вилояти адлия ходимлари ва хўжалик суди судьялари билан ўқув семинарлари ўтказилди.

АҚШ, Миср Араб Республикаси, Малайзия, Покистон, Грузия, Тожикистон Республикаларининг мухтор элчилари билан Адлия вазири учрашувлари ташкиллаштирилди.

- Мурод Маликович, мустақил Ўзбекистонимизнинг жаҳонга юз тутиши, ҳурлар ичида ҳур республика бўлиб бўй кўрсатишида бошқармангиз амалга ошираётган ишларга улкан ривож тилаймиз. Давлатимизнинг давлатлараро ҳамкорлиги мустаҳкамланаверсин.

Суҳбатдош: Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ

Она дил изҳори

«БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!»

Ҳар қандай замонда ҳам Ватан ўз ўғлонларига умид билан кўз тиқади. Айтинг, айтинг, ўғил болалар қобил, мард ва жасур бўлиб етишмисин. Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, ҳеч ким бошига бирор мушкулот тушганида ўғлини сандиққа солиб, қўшнисини ёрдамга чақирмайди. Ёшим олтмишни қоралади. Мен ҳам бир-биридан қобил ўғиллар, қизлар ўстирдим. Хўжайини билан айни чоғда бир этак невараларга парвона бўлиш билан бирга давлат, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этяпмиз. Ўзим оддий муаллималикдан токи шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларигача фаолият кўрсатиб, халқимга ҳалол қизмат қилдим. Айни чоғда «Экосан» хайрия жамғармаси вилоят бўлимида меҳнат қилаяпман. Шу билан бир қаторда деярли ҳар мавсумда Ватан ҳимоясига чақирилган йигитларни тиббий кўрик ва суҳбатлардан ўтказиш ишларида вилоят мудофаа бошқармасининг чақирув комиссиясига кўмаклашаман. Ҳар куни чақирув пунктига кираверишда ҳазрати Саъди Шерозийнинг ушбу даъваткор сўзларига нигоҳим тушади:

«Ватан ҳимоясига ярамаган эркак аёллар муҳаббатига нолойиқдир».

Худога минг шукрки, юртимиз йигитлари ҳамиша элюрт ишқи билан ёниб яшайдилар. Шу боис улар нафақат маҳбубаларининг муҳаббатига, балки биз каби кекса, дуогўй оналарнинг-да олқишига, меҳру муҳаббатига лойиқдирлар. Бунинг учун аввало ўғлонларимизнинг вужудлари соғлом, дунёқарашлари, билимлари юксак бўлмоғи лозим. Бир пайтлардаги каби тиббий кўриклару суҳбатларни юзаки ўтказиб, олис Россиядаги қурилиш батальонлари учун юввош хизматчи етказиб беришнинг даври ўтди. Шунинг учун ҳам мудофаа бошқармаси бошлиғи полковник Қаюм Жумаевнинг шахсан ўзи хизматга яроқли деб топилган йигитлар билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг орзу-умидлари билан қизиқадилар. Қайси қўшин, қандай тузилма тарқибига юбориш, албатта, йигитларнинг лаёқатига, мутахассислиги, соғломлигига қараб белгиланади. Ана шундай қатъий таҳлил ва текширув, суҳбатлар асносида чақирув мавсумини самарали якунладик. Жондан азиз фарзандларимизни мустақил, озод Ватанимизнинг турли бурчакларида жойлашган жанговар ҳарбий бўлинмаларга кузатиб қўйдик. Уйларидан ризқ-насиба рамзи бўлган кулчаларни тишлаб, кемтиб чиқиб, сафар халтасини қифтига олган йигитларимизга муҳтарам йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистондаги барча ёшлар менинг фарзандларим...» дея бараллa хитоб қилиб айтган гапларини яна бир карра эслатиб, минбад юзимизни ерга қаратмасликни уқтираяпмиз.

Ҳа, она бургутнинг темирқанот бўлган полапонлари парвозга шайланган каби бизнинг азиз фарзандларимиз ҳам мана шу улуғ Ватан ҳимояси учун бурчлидирлар. Ва биз уларга шу тариқа оқ фотиҳа бердик:

- Ой бориб, омон қайтинглар, ўғилларим. Сизларни Ватаннинг сарҳадлари кутмоқда. Сизлар Ватанни, сизларни эса Эгамнинг ўзи асрасин!

Робия ТЎЛАКОВА, Термиз шаҳри

Қилмиш-қидирмиш

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАН ЎҒРИ

Кейинги пайтларда Фарғона вилоятининг турли туманларида мол ўғриси пайдо бўлибди, деган гаплар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Бу гапга ишониб-ишонмай, «наҳотки, шундай тўқчилик замонда-я!» деб елка қисган Зиёбиддин аканинг бошига ана-мана демасдан, шу кулфатнинг ўзи тушиб турса бўладими?

Зиёбиддин ака Шапатов Риштон туманидаги Булоқбоши қишлоғида яшайди. Ўзи эса Катта Фарғона канали ёнидаги Бешкаппа участкасида қоровул бўлиб ишлайди. Юқоридаги гапга ишониб-ишонқирамай, ишдан уйига қайтиб келса, хотини юзини чангаллаб ўтирибди. «Вой эркак деган ҳам шундай бўладими, кимларни мол-ҳолини қўриқлайсизу ўзингизникидан хабарингиз йўқ».

- Ҳа нима гап? - ҳайрон бўлиб сўради Зиёбиддин ака.

- Олдингизга югурдак юбордим-ку, етиб бормадими? Бир оғилга киринг! Молларингиз йўқ. Онабола сўлақмондай сигиримизни ўғри уриб кетибди! Болагиналаримнинг ризқини қуритибди-я, яшшамагурлар.

Зиёбиддин ака хотининг бу гапига ҳам ишониб-ишонмай молхонага кўз ташлади-ю, ёқасини тутроққа топталар эди. Ниҳоят Лоланинг кучлилиги сезилди. У куч билан опасини бўғиб турди. Ҳеч қандай ҳаракат қилмагач, қўйиб юборди. Шу тариқа мудҳиш қотиллик рўй берди: сингил ўз опасини ўлдириб қўйди.

Ўша куни ярим тунда «довюрак» сингил ўликни «Москвич» русумли автомашинасига ортиб, рулни ўзи бошқарганича тумандаги О.Раҳимов номли жамоа хўжалигининг 6-бригадаси даласига олиб бориб, устидан бензин қуйиб ёқиб юборди.

Орадан икки кун ўтиб ўша томонга йўли тушган одамлар куйиб ётган одам танасини кўриб қолишади ва зудлик билан милицияга хабар қилишади. Туман ИИБнинг тезкор гуруҳи, айниқса, криминалистика бўлими вакилларининг ниҳоятда зукколик билан олиб борган текширувлари оқибатида қотиллик тўла фош этилди.

Суд ҳукмига кўра Лола Худойбердиева ўн йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бўлиб ўтган воқеадан Чиноз аҳли ҳайратга тушди. Оилада тарбиянинг носоғломлиги қандай оқибатларга олиб келиши яна бир карра аччиқ ҳақиқат орқали намоён бўлди. Бу ўринда оила тарбиясида ота-онанинг турмуш тарзи, хатти-ҳаракати катта аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлаймиз. Аммо машҳур педагог Макаренконинг ота-оналарга қарата айтган қуйидаги чуқур мушоҳадасини эслаб ўтиш жоиздир. «Сизнинг хулқ-атворингиз ҳал қилувчи омилдир. Сиз болани фақат у билан гаплашаётганда, унга бирор нарсани ўргатаётганда ёки буйруқ бераётганда тарбиялайман деб ўйламанг... Сизнинг кўринишингиз, ҳар бир ҳаракатингиз бола учун катта аҳамиятга эга... Агар сиз уйда қўполлик ёки мақтанчоқлик, ичкиликбозлик қилсангиз, бундан ҳам ёмонроғи - онани хўрласангиз, ўз болаларингизга жуда катта зарар келтирасиз, уларни ёмон тарбиялаётган бўласиз, сизнинг номуносиб хатти-ҳаракатингиз жуда ёмон оқибатларга олиб боради».

Тарбиянинг уста билимдонидан орттириб нима ҳам дея олардик. Халқимиз ҳам бекорга «Қуш уясида кўрганини қилади» демаган...

Салима ҚИЛИЧЕВА, «Инсон ва қонун» мухбири

Фармон ва ижро

ДЕҲҚОНКИ ДОНА СОЧАР, ҚАРҒАЛАР ЧЎҚИБ ҚОЧАР

ёки деҳқон меҳнатининг шамолга совурилаётгани ҳақида

Ғалла — ризқ манбаи. Давлатимиз иқтисодий мустақиллигимизнинг асосий омилларидан саналган ана шу қимматли бойликни кўпайтириш соҳасида изчил сиёсат юргизаётгани қувончли ҳолдир. Бироқ жойларда бу борадаги муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун ҳали барча имкониятлар ишга солинмаётганлиги кўринмоқда. Ғаллазорларнинг пайҳон этилиши, экинларнинг нобуд қилиниши ҳоллари тез-тез рўй бераётгани фикримиз ифодасидир. Туман суди кечмиш йилда худди шундай вазиятга дуч келди. Нобудгарчилик ҳолларининг айрим хўжаликларда бирон мартаям рўй бермагани ҳолда баъзи қишлоқларда кунда ва кунора учрагани ажабланарли бўлди. Вазият тақозосига кўра юз берган салбий ҳолатлар қонун нуқтаи назари билан тарозуда тортилди. Натижа шуки, Хонқа, Янгиариқ, Боғот туманларидаги кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари эл ризқ-насибасини кўз қорачиғидай асраш, кўпайтириш ўрнига нобудгарчилик ва исрофгарчилик ҳолларига томошабинликдан нарига ўтишолмаган. Ажабтовур ҳолат. Хонқа туманидаги Охунбобоев номли, «Олтин соҳил», «Дўстлик», Алишер Навоий номли жамоа хўжаликларидаги пайҳонгарчилик, нобудгарчилик ҳолатлари юзасидан 11 та қонунбузарлик ишини қараб чиқди. Фуқаролардан И.Худойберганов, Д.Жуманиёзов, И.Нуниёзов, С.Ҳусаинов, К.Болтаевларнинг жами 13 бош, ғўза ва унинг қимматли ҳосилини топтаб, нобуд қилаётган С.Матёқубов, Ж.Худойберганов, Х.Қурбоновларнинг эса 3 бош қорамоли дала юзини қайта кўрмайдиган жойга етказилди. Суд эса мол эгаларининг бу хатти-ҳаракатини қонунларнинг ҳам топталиши, деб билди ва уларнинг ҳар бирини мўмайгина жарима билан «сийлади».

Ўз ризқини ўзи шамолга совураётганлар орасида шу тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги «ёшуллилари» ҳам бор. Уларнинг кўнгилчаклиги ҳам йил давомида анчагина майдондаги ғалла, пахта, мева-сабзавот, полиз экинлари қут-баракасини ўчирди. Энди фуқаро Ю.Мадраҳимов, Р.Қурбонбоев, А.Болтаев, М.Отамуродов, О.Сафаровларга қарашли 9 бош қорамол оралаган далалардан йил бўйи ҳосил униши даргумон. Аммо зарарнинг ўрни аллақачон қопланди. Суд мол эгалари чўнтагидан етказилган мўмайгина зиёнга тенг миқдордаги пулни ундириш билан бирга, уларни «чақиб» оладиган даражадаги жаримага ҳам рўпара этди. Қош қўйиш ўрнига кўз чиқарган фуқаро С.Ботировнинг «омилкорлиги» ҳам суднинг эътиборига тушди. Боғдаги ўт-ўланлар билан бирга анчагина майдондаги бедаларни ҳам ёқиб юборган бу «ишбилармон» одамнинг қилмиши ҳам оқибатда чўнтагига кони зиён келтирди.

Янгиариқдаги «Оқ мачит» жамоа хўжалиги 1997 йил охиридаёқ давлат санация рўйхатига тушганди. Бу факт хўжалик аҳлини ҳар соҳа-ю, ҳар жабҳада тежамкорлик, омилкорлик, бирни харжлаб ўнни ундиришга даъват этмоғи, имконлардан унумли фойдаланишга чорламоғи даркор эди. Бироқ ўтган йили мазкур санация хўжалигида экинларнинг моллар томонидан топталишига оид 8 та иш юзасидан суд қарорлари қабул қилиниб, айбдорларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Хуллас, буларнинг бари мўътабар қонунларимизга бўлган ҳурматсизликнинг яққол намунасидир. Айбдорлар эса нобудгарчилик ва пайҳонгарчиликка кўра-била туриб йўл қўйган фуқаролардир. Таъкидланганидек, бир-икки бор йўл қўйилган хато-қусурларни кечирса бўлар. Аммо унинг бот-бот ва йил давомида узлуксиз такрорланиб турганлигини суд ҳам, қонун ҳам кечира олмайди. Рўй берган ҳол айрим раҳбарларнинг бу масалада одамлар билан тил топиша олмагани оқибати, деб қаралди. Шуни назарда тутган ҳолда туман суди яқинда ғайриоддий қарорга келди. Экинзорларнинг моллар томонидан кўп бор топталиши кузатилган Хонқа туманидаги Навоий номли, «Ўзбекистон», Янгиариқ туманидаги «Оқ мачит» жамоа хўжаликлари раҳбарларига нисбатан қонуний чора кўриш юзасидан мазкур туманларнинг ҳокимлари номига расмий тақдимномалар йўлланди. Умуман, ўтган йили туман суди 41 та маъмурий ишни кўриб чиқди. Айбдорларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида»ги Кодексининг 104-моддасига биноан қонуний жазо олди.

Қилмиш қидирмишга етаклайди. Эл ризқи-насибасининг талон-тарож этилишига қонун ҳеч қачон изн бермайди.

Баҳром ХЎЖАНИЁЗОВ, Хонқа туман суди раиси

Дайди ҳақ сўрайди

АХЛАТ УЮМИ - МЕНИКИ...

Челябинск вилоятининг Жанубий Урал шаҳри милициясига кириб келган бир дайди қатъий туриб, ўз ҳуқуқини муҳофаза этишларини талаб қилган.

Аниқланишича, яшаш ва ишлаш жойининг тайини бўлмаган бу кимса шаҳарнинг «бой» кўчаларидан бирида ўрнатилган ахлат қутиларига бир неча йилдан буён «хўжайинлик» қилар экан. Эрталаб ўз «мулки»ни титкилаш учун қутилар ёнига келганида бошқа бир «ҳамкасб»ини бу ерда «фаолият» кўрсатаётганининг устидан чиқибди. Ўз кучи билан рақибини ҳайдаб юборолмагач, милициядан ёрдам сўрашга, ўз «ҳаққи»ни талаб қилишга мажбур бўлган экан.

Шаҳарда бундай низолар билан ҳуқуқ посбонларига мурожаат қилиш сўнгги пайтларда одатий ҳолга айланиб бораётган эмиш...

Оммавий ахборот воситалари хабарларидан олинди

Во дариг!

ОПАСИНИ ЎЛДИРГАН СИНГИЛ

Умр оқар сув. Умр давомида кимдир савоблар сари, кимдир гуноҳлар сари юзланаверади. Кимнинг қайси томонга юзланиши болаликдан оилада олган тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Тарбиянинг асосида эса унинг кўрки бўлган одоб ва ахлоқ ётади.

Яқинда Чиноз туманида содир этилган жиноят тафсилоти билан танишар экансиз, опа-сингиллар туғилиб, вояга етган оилада ана шу мезонларга путур етганлигининг гувоҳи бўлдик. Негаки, оила тарбиясининг асосий омили ота-онанинг болаларга муҳаббати ва бунга жавобан болаларнинг ота-онага ҳурмати, меҳру оқибит ҳиссидир. Жиноят содир бўлган оилада эса она билан қиз, опа билан сингил ўртасида ўзаро жанжал, адоват кучайгандан кучайган, оқибатда...

Лола Худойбердиева турмушга чиқиб, оиладек муқаддас кўрғонни сақлаб қола олмаган, бир нафар фарзандини етаклаб, ота уйига қайтиб келган. Оиласидан ажралган Лолани опаси Дилором хушламади. Негаки, унинг ўзи ҳам уч нафар боласини тирик етим қилганича, эридан ажрашиб, қайтиб келган ва айни пайтда уй-жой масаласидаги жанжаллар билан боши қотиб юрган эди. Икки қизининг кетма-кет турмушлари бузилиб, болаларини етаклаганча қайтиб келиши она бўлмиш Тошхон Худойбердиеванинг ҳам чарчаган асабларини янада таранглаштирди. Бир ёқда она, бир ёқда опа-сингиллар бир-бирларига меҳр билан эмас, қаҳр билан қарайдиган бўлиб қолдилар.

Ўша мудҳиш қотиллик рўй берган куни Дилором кўчадан оромини йўқотган ҳолда, ёмон кайфиятда кириб келди. Арзимаган сабаблар баҳона жанжал бошлади. Шайтоннинг қутқуси билан жазавага тушиб, онасига қараб «қачон менга квартира олиб берасизлар» дея ўшқирди. Бунга ҳам қаноат қилмай, қўлига пичоқ олди, онасига ўқталди, квартира талаб қилди. Қутурган итдай ташланганича онани ура бошлади.

Донишманд Муҳаммад Жавҳар Заминдор шундай ҳикоят қолдирган. «Бир кишининг уйида сичқон пайдо бўлган эди. У уй томини ковлайвериб, илма-тешик қилиб юборганди. Мушук уни ҳеч тутолмас, уй эгаси эса томга қараб оҳ тортар, уни тутиш чорасини тополмас эди. Бир куни у жаҳл билан ўрнидан туриб, сичқон кириб кетган тешикка қўлини тиқди ва икки дона марварид топиб олди. Уй эгасининг кўнгли хушҳол бўлди. Шу пайт қайтиб келган сичқон марваридни қидириб, у ёқдан бу ёққа чопа бошлади. Тополмагач, ҳолсизланиб пастга йиқилди ва жон берди.

Эй, азизим, сенинг нафсинг ҳам доимо сакрашда бўлади. Мард кишигина нафс жиловини тортиб, уни ўз измига солади».

Дилоромнинг ўша кунги ҳолати ҳикоятдаги сичқонни эслатади. У бахтидан, оиласидан ажралган, энди нафс йўлида ҳеч қандай разилликдан қайтмас, ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмасди. Тошбағир қиз ўз туққан онасини аёвсиз дўппослаётганда, уйга Лола кириб келади. Опа-сингил ўзаро олишиб кетишади. Оғизларидан боди кириб, шоди чиқар, қонқардошлик ришталари қаро

Тақриз

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти қуриш стратегик вазифа қилиб белгилаб олинди. Ушбу вазифани амалга оширишда кейинги йилларда бир қанча ташкилий, илмий, маънавий-маърифий ишлар қилинди.

Эндиликда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларни амалда тадбиқ этиш, аҳолига уларнинг моҳиятини тушунтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга эътибор қаратилаётир. Юртбошимиз таъкидлаб айтганларидек, «Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас...». Бу борада сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимлар, мураббийлар фаоллик кўрсатишмоқда. Зеро, ҳуқуқий маданият ютуқлари китоблар, рисолалар, қонунлар, ҳужжатлар сифатида халқ оммасига етиб боради. Демак, борлиқни тўғри англаб, унинг ҳуқуқий механизмларини очиб бермоқ лозим бўлади. Бу жиҳатдан яқинда Р.А.Тузмуҳамедов ва Р.Т.Ҳакимов томонидан ёзилиб, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи томонидан чоп этилган «Халқаро ҳуқуқ асослари» ўқув қўлланмаси диққатга сазовордир.

Ҳозирги кунда ҳуқуқий маданиятни оширишда фақат мамлакат ичкарисидаги ҳуқуқий воқеаларни англаш етарли эмас, балки жаҳонда кечаётган жараёнларни билиш, уларнинг халқаро ҳуқуқ ва қоидаларга нечоғли мослигини, миллий манфаатларимизни халқаро ҳуқуқ доирасидан қандай ҳимоя қилиш мумкинлигини билиш ҳамда амалда тадбиқ этиш катта аҳамиятга эга. Гап шундаки, XXI асрда дунё мамлакатларининг ўзаро муносабатлари мазмуни ва кўламига кўра янги босқичга кўтарилади. Ана шундай шароитда бу муносабатларни тартибга солиб туриш механизмларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш лозим бўлади. Шундай механизмлардан бири бу - халқаро ҳуқуқдир. Халқаро ҳаётдаги, давлатлараро муносабатлардаги чуқур ўзгаришлар таъсирида халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бунинг қуйидаги сабаблари мавжуд. ***Биринчидан,*** дунёнинг турли бурчакларидаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш кучайиб бормоқда. ***Иккинчидан,*** халқаро миқёсда жаҳон хўжалик тизими вужудга келиб, ривожланиб бормоқда. ***Учинчидан,*** халқаро миқёсда маданий-маърифий технологик тизим кун сайин ривож топмоқда. ***Тўртинчидан,*** жаҳоннинг муайян нуқталарида рўй бераётган низолар алоҳида бир мамлакатгагина тегишли бўлиб қолаётгани йўқ. Қолаверса, инсоният учун хавф солаётган турли экстремистик оқим,бутун Ер шарига таалуқли экологик муаммолар, информацион технологиянинг, жаҳон сиёсий тизимида янги сиёсий тартиботларнинг вужудга келаётгани, дунёнинг икки қутбли тизимдан кўп қутбли тизимга ўтиб, янги сиёсий қутбларнинг шаклланаётгани ана шундай сабаблар сирасидандир. Демак, жаҳон миқёсидаги муносабатлар тезкор ривожланиб бораётган бир шароитда халқаро ҳуқуқ нормаларининг амал қилиши катта аҳамият касб этаркан, бу борада «Халқаро ҳуқуқ асослари» каби қўлланманинг аҳамияти каттадир.

Гап шундаки, ҳозирги шароитда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун халқаро ҳуқуқ қоидаларини фақат мутахассислар ёки уни амалга тадбиқ этувчи ташкилотларнинг билиши етарли эмас, балки уларни ҳамманинг билиши ва амал қилиши зарур. Шу маънода ўқувчиларга халқаро ҳуқуқ тўғрисида умумий, дастлабки билимларни бериши билан ушбу китоб қимматли манбадир.

Китобнинг амалий томони шундаки, бундай қўлланмалар олдин бизда ёзилмаган, тўғрироғи, ёзишга йўл қўйилмаган. Шу маънода қўлланма ушбу йўналишдаги дастлабки ҳаракатлардан. Маълумки, бугунги кунда аҳвол ўзгарди. Ўзбекистон дунёнинг 150 дан ортиқ давлатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатди, жаҳондаги йирик обрўли халқаро ташкилотларнинг аъзоси. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳуқуқшуносларга бўлган талабни янада оширмоқда, юқори савиядаги кадрларни тайёрлаш, халқаро ҳуқуқ бўйича дарслик, қўлланма ва дастурларни чиқариш вазифасини қўймоқдаки, бу борада ҳам юқоридаги қўлланма қўл келади.

Умуман олганда, ушбу қўлланмани китобхонлар оммасига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Айни пайтда ана шундай қўлланмалар тайёрлаш борасидаги ишлар давом этаётганини назарда тутиб, айрим таклифларни ҳам айтиб ўтмоқчимиз. Халқаро ҳуқуқ орқали Ўзбекистон миллий манфаатларини, унинг хавфсизлигини таъминлаш йўллари, воситалари кўрсатиб берилса «Халқаро ҳуқуқ асослари» сингари китобларнинг аҳамияти янада ошган бўларди. Қолаверса, қўлланмада халқаро ташкилотлар, халқаро муносабатлар орқали Ўзбекистонни дунёга танитиш воситаларини кўпроқ кўрсатиб бериш лозим, деб ўйлаймиз. Шунингдек, халқаро ҳуқуқ асосчилари ҳақида фикр юритилганда Ўзбекистон заминида яшаган буюк алломаларимизга ҳам қўлланмадан ўрин ажратилса, эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

С.ЖЎРАЕВ,
сиёсатшунослик фанлари доктори

Шарҳ

ФАХРИЙЛАР— ФАХРИМИЗ

«Ҳаёт ва қонун» журналининг 5-сони нашрдан чиқди

Маълумки, 9 май куни Президентимизнинг Фармони билан Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган эди. Бу Фармонда «Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, бор куч-қувватини аямаган бирор-бир фахрий, бирор-бир киши унутилмаслиги керак. Уларнинг ҳар бирига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши шарт» дейилади.

Журнал ана шу Фармон матни ва «Фахрийлар - фахримиз» деган бош мақола билан очилади. «Тинчлик бу - юксалиш, адолат, тўкин-сочинлик!» деб бошланади бош мақола. Меҳнаткаш халқимиз бу сўзларнинг маъносини яхши тушунадилар, деб даъват этади мақола муаллифи. Шунинг учун ҳар жойда: ўтириб-туришларда, тўй-маъракаларда, давраларда, дастурхон устида бир-бирларига «Тинчлик-хотиржамлик берсин» деб яхши ниятларини изҳор қиладилар. Ундан сўнг ўтмишдаги қонли жангларда, иккинчи жаҳон урушида мардонавор курашган, афсонавий қаҳрамонликлар кўрсатган жасур ўғлонларимиз хотираси тилга олинади.

Ундан кейинги саҳифаларда ўзининг садоқатли меҳнати билан халқнинг ҳурмат-эҳтиромини қозонган, доимо эл эъзозлайдиган таниқли ҳуқуқшунос олима, давлат арбоби Мамлакат Восиқова ҳақидаги «Эл эъзозлаган аёл», бор умрини, ҳаётини Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик илмини ривожлантиришга қаратган олима Хадича Сулаймонованинг самарали хизматлари ва унинг хотирасини эсга олувчи «Яхшилар номи ўчмайди» номли материаллар берилган. «Оталар жасорати мангудир» номли мақола ҳам фашистларга қарши жанг қилган ижодкор жангчиларга бағишланади.

Журналнинг бу сонида босилган таниқли олима Фаридахон Саифназарованинг «Оила, маҳалла ва ёшлар тарбияси» номли мақоласи анча яхши ёзилган. Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Оқилларнинг ўтар умри кўп хатарнок, оқилларга ғаним эрур ҳар нопок» сатрлари билан бошланган бу мақола 16 февралда Тошкентда содир бўлган воқеалар таъсирида ёзилган бўлиб, кишилар ғаразли мақсад, ёмон ният билан узоққа боролмасликлари, шу кунларда мактаб ва оилаларда ёшларимиз тарбиясига жиддий эътибор бериш лозимлиги уқтирилади.

Республикамизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот ҳақида берилган мақолалар орасида Азамат Ибрагимовнинг «Нодавлат ташкилотлар», Республикада хизмат кўрсатган юрист Фозил Отахўжаевнинг «Оила қонунчилигини биласизми?», Бисен Ногаевнинг «Диний ташкилот - юридик шахс», Республика ДАН бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Тўра Очиловнинг «Йўл транспорт ҳодисаларини тергов қилиш», фалсафа фанлари номзоди Сафар Абдухолиқовнинг «Ҳуқуқ фалсафаси ва юридик социология» каби назарий материалларини ўқишлари мумкин.

Бу сонда суд очерклари, шеърлар ва ҳикматли сўзлар ҳам анчагина жойни эгаллаган. Журнал саҳифаларидан муносиб жой олган «Ота, мени ўлдирманг!», «Номус ўғрилари», «Босқинчилар» каби суд очерклари ҳурматли ўқувчиларимиз қизиқиб ўқийдилар. Исматулла Мамановнинг «Қатрада қуёш ёки отамнинг ўгитлари» туркумидан берилган шингиллар, шубҳасиз, кишиларга маънавий озиқ беради.

Улуғ БЕК

ЖУМА САБОҚЛАРИ

Андижон вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасида ҳафтанинг ҳар жума куни ходимларнинг ўқиш-ўрганиш куни деб белгиланган.

Ўқиш жараёнида ҳафтанинг муҳим воқеалари, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, дунё воқеалари таҳлил қилинади.

Ўтган жума сабоқларида республика Олий Мажлисининг XIV сессияси ва унда юртбошимиз И.А.Каримовнинг маърузаси ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, адлия ходимлари диний-экстремистик гуруҳлар содир этган жиноятлар ҳақида матбуотда эълон қилинган материаллар юзасидан ҳам фикрлашдилар.

Сабоқлар чоғида мамлакатимиз ва чет эллардаги ижтимоий ҳаётга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан ходимларнинг мустақил фикрини, позициясини белгилаб олишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Энг муҳими, жума сабоқлари ҳар бир ходимни ўз устида ишлашга, ўқиб-ўрганишга, воқеаларни изчил таҳлил қилиб, танқидий ёндашишини ўрганиш масаласини юксалтиришга қаратилгани билан эътибор топаётир.

Ўз мухбиримиз

Тўйхат ўрнида

АЛЛОМИШЛАР ЮРТИДАН ОЛҚИШ



Одатда ўзингиз яхши билган инсон ҳақида ёзиш қийинроқ кечади. Бироқ Исмат Норбоев тўғрисида қоғоз қоралашга чоғланганимда бундай ҳолат менга бегона бўлди. Бу балки ҳар куни ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб, ёнимизда юриб ижод қилган «жайдари ёзувчи»мизнинг феъл-атворидаги самимийлик, ёзганларидаги ростгўйликдандир...

Ҳар йили эрта баҳорда Дарвозақумдан сой кечиб, Қуралай қирларига чиқамиз. Бу ерда ўт-ўланлар сероб, тоққа яқин қирлардагига қараганда барвақт кўкаради. Исмат ака ям-яшил либосга бурканиб ётган яйловларга нигоҳ ташлаб: «Собир, мен мана шу ерда туғилганман. Болалигимда мол боқардим. Опам раҳматли билан дала-даштда туятўпон терардик... Ёлғиз ўғил эдим, сағирлик қийнарди...»

Ҳар гал Қуралайга борганимизда у қирлар бағридан урушга кетиб, қайтмаган отаси Қурбон акани эслаб, онаизорини қўмсаб, болалик хотираларини армон билан ёдга олади. Сўнг: «Худога шукр! Ўзимдан униб, ўзимдан кўпайдим. Фарзандлар, неваралар бор...», дейди ўксик кўнглига таскин бериб.

Болаларга атаб асар ёзиш қийин. Ҳали фикри тиниқлашмаган ўқувчига манзур бўладиган китоб чиқариш ҳар қандай ижодкорнинг қўлидан келавермайди. Исмат ака ижоднинг шундай машаққатли соҳасини баҳоли қудрат уддалаб келаётир. Унинг она-табиатни севувчилар учун «Тоғ сўқмоқларида», «Тоғ ҳикоялари», «Қора кийиклар» каби китоблари болаларни табиат сирларига ошно этади, атроф-муҳитни авайлашга ўргатади.

Бойсунтоғнинг Исмат ака юрмаган сўқмоқлари қолмаган. Тоғдаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир қоя унга таниш, қадрдон. Тоғ табиатини яхши билганиданми, об-ҳаво қандай бўлишини, фасллар ўзгаришини олдиндан айтолади. Хуллас, ўзимизнинг «маҳаллий Тойлоқов!»

Табиатан ҳазилга мойил, гапга уста, ҳозиржавоб бу инсоннинг гурунглари сермазмун, у ҳақдаги ҳангомалар эса ўзи бир асар, дейсиз.

Умр - оқар дарё дейдилар. Ўтган, ўтаётган йиллар гарди сочида, ҳаётда чеккан машаққатлари манглайу, юзидаги билинар-билинмас ажинларда акс этаркан, кишининг. Аслида эса биз дунёни эмас, дунё бизни ўзидан ўтказаркан. Ҳар нима бўлганда ҳам умрини ҳалол ижодий меҳнатда, ажойиб дўстлар даврасида ўтказаётган ёзувчи Исмат Норбоевнинг режалари мўл, қоралаб қўйган асарлари бисёр. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Исмат Норбоевни дўстлари ҳазил аралаш: ўзимизнинг «жайдари ёзувчимиз» дейишади фахрланишиб. Ёшларга устоз, ёр-биродарларга содиқ ҳамроҳ Исмат акага бу кунда «Ҳорманг! Олтмиш довондан ошган паҳлавон! Ижодларга барака!», деймиз. Алпомишлар юртининг олқишлари доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

С. ЁДИКОВ

Маслаҳатхона

ЭРИМ АВФ ЭТИЛАДИМИ?

Турмуш ўртоғим биринчи марта 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган бўлиб, 1998 йил 1 декабрдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармоннинг 6-моддаси «Б» бандига асосан жазо муддати 1 йилу 3 ой 17 кунга қисқартирилган ва 4 йилу 9 ой жазо ўташга қолдирилган эдй. Шу сабабли сўрайман: Республикамиз Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги «Амнистия тўғрисида»ги янги Фармонининг 3-моддасига биноан жазодан озод қилиниши учун дастлабки суд ҳукмидаги 6 йил муддатнинг тўртдан бир қисмини ёки амнистия билан қисқартирилгандан қолган муддатнинг тўртдан бири ҳисобга олинадими?

Манзура ҲАМИДОВА,
Андижон вилоят Балиқчи тумани Қияли қишлоғи

ЖАВОБ: Президентимизнинг 1999 йил 30 апрелдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонини қўллаш тартиби ҳақидаги Низомнинг 5-моддаси «б» бандига кўра илгари амнистия акти билан қисқартирилган, сўнг ўташ учун қолдирилган жазо муддати ҳисобга олинади. Яъни эрингиз агар Фармоннинг 3 банди таъсирига тушса, унга 1999 йил 4 май, яъни Амнистия акти кучга кирган кунгача амалда ўтаймай қолган қисмига эътиборан қўлланилади. Оддийроқ айтганда шу санага қадар эрингиз ўташи учун қолдирилган жазо муддатининг тўртдан бир қисмини ўтаган бўлиши керак. Бу саволингизнинг иккинчи қисмига ҳам жавобимиздир.

Шу билан бирга агар ушбу «рамка»га тўғри келмаса, эрингизга нисбатан Фармоннинг 9-моддаси «а» банди, яъни «Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилганларга - учдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ярмига» тартибида қисқартириш қўлланилади.

Таҳририят ҳуқуқий шарҳловчиси

Бугун юртимизнинг барча мактабларида сўнгги қўнғироқнинг садоси янграр...

Муаллима сўз сўрайди

ҒАМХЎРЛИК МАСЪУЛИЯТ ҲАМ ЮКЛАЙДИ

Касбим педагог бўлгани учун фарзандлар тарбияси ва унга аёлларнинг ҳиссаси хусусида гапирмоқчиман. Маълумингизким, ҳурматли Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилдилар. Аёлларнинг қадр-қимматини кўтариш, иззатини жойига қўйиш учун қатор тадбирлар ўтказилди. Хўш, биз аёллар бунга муносиб, ҳозиржавоб бўлаяпмизми? Қолаверса, ўткинчи дунёнинг ялтир-юлтир матоҳларига учиб бахтсиз бўлиб, турмуши издан чиқаётган жинсдошларимиз ҳануз кўпайиб бораётганлиги бизни безовта қилаяптими? Биз -аёллар кўмагисиз на ҳуқуқ-тартибот ходимлари, на маҳалла-кўй бу ишнинг уддасидан чиқа олмайди-ку. Юртбошимиз йилни аёллар йили деб атаганларида, менимча, ана шу хайрли ишларнинг ечимини биз аёлларга ишониб, донишманд сардорларга хос иш тутганлар. Билим юртимизда бўлажак муаллимлар сабоқ олишади. Уларнинг аксарияти қизлар. Улар турли оилавий муҳитда тарбияланиб вояга етганликлари боис баъзан қўшимча тарбиявий суҳбатлар олиб боришга тўғри келади. Очиғи, қиз боланинг тарбияси ўғил боланикидан ўн чандон машаққатли эканлигини назардан қочирмаслик керак. Сарвари коинот Пайғамбаримиз бежизга қизларини яхши тарбиялаб, эгасига берган ота-онанинг ўрни жаннатда бўлиши ҳақида марҳамат қилмаганлар. Баъзан тирикчилик, баъзан лоқайдлик важиданми, айрим ота-оналар ўзларининг бурчларини унутиб қўйишади. Вояга етмаган норасида қизларини таниш-нотаниш аёлларга қўшиб, тижорат учун турли юртларга жўнатиб юбораётган ёки болаларини беҳаё хотинлару, эркаклар билан бозор расталарида ёнма-ён савдо қилдириб қўяётган ота-оналарни биламан. Хўш, шўрҳок ерга ниҳол экқан нодон боғбоннинг келажакда ҳосил кутишга маънавий ҳаққи борми?

Одатда бойвачча йигитлар соддадил, гўзал қизларга тузоқ қўйишади. «Сизни бошимга кўтариб юраман, уйжой олиб бераман, маликадек ясантириб қўйиш қўлимдан келади... Менга иккинчи хотин бўлинг» деб аврайдиганлар, уларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирувчилар жуда кўп учрайди.

Ана шу тарика қалтис «аҳдлашув»лардан воқиф бўлиб қолгач, мен «илоннинг ўлжаси»га айланаётган қизлар билан гўёки сирдош дугонадек яккама-якка суҳбатлар олиб бораман. Ҳаётий мисоллар келтириб, ўткинчи ҳою-ҳавасдан уларни қайтаришга ҳаракат қиламан. Минг шукрки, ўша қизлар ўз бахтларини топиб, бир этак фарзандли ҳам бўлишди.

Қизларига олий маълумот бериш, хорижий тилларни ўргатиш учун бор-будини сарфлайдиган, аммо уйнинг посбони бўлган эрларига ширин муомала қилиш, кийимкечак тикишу таом пиширишни беришни ўргатишни унутган оналарни кўриб ёқа ушлайсан киши...

Ёшлар гўёки бир ниҳолга ўхшайдилар. Кўп нарса соҳибкорига, яъни ота-она-ю, устозларига боғлиқ. Чунки ниҳолни қайси томонга эгиб қўйсанг, ўша ёққа қараб ўсади.

Билим юртимизда асосан ёшларга бошланғич таълим муаллими, меҳнат ўқитувчиси ҳамда меҳнат ва чизмачилик, мактабгача муассаса тарбиячиси ихтисосликлари бўйича сабоқ берилади. Аммо биз шунинг ўзи билан кифояланиб қолмаяпмиз. Тикиш-бичиш, пазандалик каби касб-ҳунар ҳам мунтазам ўргатилмоқда. Шу боис бўлса керак бизнинг билим юртимизга олис туманлар, ҳатто қўшни вилоятлардан ҳам ўқиш истагида юрган ёшлар сони ҳамиша мўл. Жорий йилда билим юртимизнинг ўттиз йиллигини нишонлаш ниятидамиз. Воҳамизда ва пойтахтда яшаб ижод қиладиган довруқли шоирлару ёзувчилар билан талабаларнинг учрашувларини тез-тез ўтказиб турибмиз. Яқинда шоир Сирожиддин Саййид ва шеърият мухлисларининг таассуротли учрашуви бўлиб ўтди.

Биз устозлар бундай маънавият ўчоғи билан фахрланамиз.

Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА,
Сурхондарё вилояти Денов педагогика билим юртининг сиртқи бўлими бошлиғи

Моҳир педагог Насиба Тожибоева ўттиз йилдан бери ёшларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келмоқда. У ҳозир Зангиота туманидаги Ал-Хоразмий номли 44-ўрта мактабда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаяпти.

Сўнгги қўнғироқни Н.Тожибоева шодлик билан қарши олди. Мактаб қошида очилган маънавият хонасининг турли-туман адабиётлар ва вақтли матбуот нашрлари билан бойиши унинг учун яна бир қувончдир.

СУРАТДА: (ўнгдан) Насиба Тожибоева 9-синф ўқувчилари Зарифа Юсуфхўжаева, Нигора Алимовалар билан.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0397. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи:
А.ОТАБОЙ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. НОРМИРЗАЕВА
терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Телефон, факс:
133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.